

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**



**“Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” йўналиши тингловчиси  
АЗИМОВ АЗИЗ ДИЛМУРАДОВИЧНИНГ**

**СОҒЛОМ АТРОФ-МУХИТГА БЎЛГАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**мавзусидаги**

**МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар: Р.Б.Гафуров**

**Илмий маслаҳатчи: У.М.Мадрахимов**

**Тошкент – 2022**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3-7</b>
<b>I-БОБ. СОҒЛОМ АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛГАН ИНСОН</b>	
<b>ХУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ШАКЛЛАНИШИ.....</b>	<b>8-30</b>
1.1. Соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқ ҳамда унинг замонавий дунёда шаклланиши ва ривожланишининг илмий асослари.....	8-20
1.2. Соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқ мазмун-моҳияти ва конституциявий хуқуқ ва эркинликлар тизимидағи ўрни.....	20-30
<b>II-БОБ. СОҒЛОМ АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛГАН ИНСОН</b>	
<b>ХУҚУҚЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО</b>	
<b>ВА МИЛЛИЙ ХУҚУҚ НОРМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ</b>	
<b>ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР.....</b>	<b>31-54</b>
2.1. Соғлом атроф-муҳитга бўлган инсон ҳуқуқуқлари бўйича халқаро ва миллий хуқуқ нормаларининг қиёсий таҳлили.....	31-46
2.2. Давлатларнинг ўз аҳолиси олдида соғлом атроф-муҳитни таъминлаш бўйича умумий ижобий мажбурияти.....	46-54
<b>III-БОБ. ДАВЛАТЛАРНИНГ СОҒЛОМ АТРОФ-МУҲИТНИ</b>	
<b>ТАЪМИНЛАШ МАЖБУРИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ</b>	
<b>МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>55-78</b>
3.1. Давлатларнинг умумий мажбуриятини халқаро хуқукий даражада амалга ошириш билан боғлиқ оқибатлар ва юзага келиши мумкин бўлган муаммолар таҳлили.....	55-62
3.2. Ўзбекистон Республикасида соғлом атроф-муҳитга бўлган инсон ҳуқуқуқларини таъминлаш механизмини такомиллаштириш масалалари.....	62-78
<b>Хулоса.....</b>	<b>79-87</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>88-97</b>
<b>Иловалар.....</b>	<b>98-113</b>

## СОҒЛОМ АТРОФ-МУХИТГА БЎЛГАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

### КИРИШ

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш контекстидага экология ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги муносабатлар мавзуси тобора долзарб мавзуга айланиб бормоқда.

Экология ва инсон ҳуқуқлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги мутлақо аён бўлиб, носоғлом атроф-мухитда яшаш инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкинлиги ва аксинча, инсон ҳуқуқлари таъминланиши атроф-мухитни муҳофаза қилишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шундай экан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз атроф-мухитни муҳофаза қилиш билан бирга олиб борилиши керак.

Ҳозирги вақтда жаҳон ҳамжамияти тезкорлик билан ҳал қилишни талаб қилувчи кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Шундай глобал муаммолардан бири атроф-мухитнинг ифлосланиши бўлиб, бу жараён бевосита инсон фаолияти натижасида юзага келади. Экологик тизимларга антропоген таъсирнинг тиклаб бўлмас оқибатлари нафақат ушбу экотизимларнинг тўғридан-тўғри йўқ бўлиб кетиши ёки ушбу худудларда яшовчи тирик мавжудотларнинг нобуд бўлиши, балки халқаро ва миллий миқёсда эълон қилинган ва тан олинган инсон ҳуқуқларининг бузилишида ҳам намоён бўлади.

Шундай қилиб, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва атроф-мухит бўйича маҳсус маъruzачиси Девид Р. Бойд<sup>1</sup>нинг (David R. Boyd) 2019 йилдаги йиллик маъruzасида қайд этган илмий тадқиқотлари иқлим ўзгариши ҳамда инсоннинг яшаш, соғлиқ, овқатланиш, сув ва санитария, соғлом атроф-

---

<sup>1</sup> Девид Р. Бойд (David R. Boyd), Британия Колумбия университетининг ҳуқуқ, сиёсат ва барқарорлик кафедраси доценти. У 2018 йил августидан БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва атроф-мухит бўйича маҳсус маъruzачиси. <https://www.the-possible.com/human-right-healthy-environment>.

мухит, муносиб турмуш даражаси, уй-жой, мулк, ўз тақдирини ўзи белгилаш каби фундаментал ҳукуқларининг бузилиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тасдиқлади<sup>2</sup>.

Ель университети хузуридаги экологик сиёсат ва ҳукуқ маркази (Yale Center for Environmental Law and Policy) (АҚШ) Колумбия университети билан ҳамкорликда ҳар икки йилда бир маротаба экологик самарадорлик индекси бўйича ўтказиладиган тадқиқотларга асосан дунёдаги энг экологик тоза мамлакатлар рейтинги эълон қилинади.

Экологик самарадорлик тадқиқоти мамлакатнинг экология ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолати бўйича эришган ютуқларини 10 та тоифадаги 22 та кўрсаткич асосида ўлчайди, улар атроф-мухит ҳолатининг турли жиҳатларини ва унинг экологик тизимларининг ҳаётйлигини, биохилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, аҳоли саломатлиги ва хўжалик фаолияти амалиёти ва унинг атроф-мухитга таъсири даражаси, шунингдек экология соҳасидаги давлат сиёсатининг самарадорлигига асосланади.

Хуллас, марказнинг 2022 йил учун эълон қилинган рейтинглари бўйича дунёдаги 180 та мамлакатлар ичida Ўзбекистон Республикаси экология даражаси бўйича 107, ҳаво сифати бўйича 168 ўринда эканлиги қайд қилинган<sup>3</sup>. Бундан қўриниб турибдики, мамлакатимизда атроф-мухитни соғломлаштириш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, умуман олганда давлатнинг экология сиёсати борасида амалга ошириши лозим бўлган муҳим вазифалар турибди.

Шу сабабли ҳам, ушбу тадқиқот инсоннинг соғлом атроф-мухитга бўлган конституциявий ҳукуқи ва мамлакатларнинг тегишли мажбуриятларига замонавий ёндашувни таҳлил қилишга бағишиланган.

---

<sup>2</sup> Девид Р. Бойд (2019). Хавфсиз иқлим: Инсон ҳукуклари ва атроф-мухит бўйича маҳсус маъruzачининг маърузаси. А/74/161. [Электрон ресурс] // БМТнинг инсон ҳукуклари ва атроф-мухит бўйича маҳсус маъruzачиси [веб-сайт]. - URL: <http://srenvironment.org/report/a-safe-climate-human-rights-and-climate-change>.

<sup>3</sup> Экология даражаси бўйича давлатлар рейтинги, <https://nonews.co/directory/lists/countries>.

**Тадқиқот предмети** инсон ва фуқароларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини, ушбу ҳуқуқнинг кафолатларини ва улар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамловчи ҳуқуқий асослар, уларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро стандартлардаги қоидалар, тавсиялар, хорижий давлатлар қонунчилиги ва илғор тажрибаси, конституциявий ҳуқуқдаги илмий-назарий қарашлар, юридик адабиётлардаги ғоялар, фикрлар ҳамда концептуал ёндашувлардан иборат.

**Тадқиқот объекти** – соғлом атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш жараёнида ривожланадиган ижтимоий муносабатлардир.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади ҳар бир инсоннинг соғлом атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқининг ҳуқуқий мазмунини белгилаб, халқаро ва миллий қонунчиликни ҳисобга олган ҳолда “соғлом атроф-муҳит” тушунчасининг моҳиятини аниқлаш, унинг конституциявий ҳуқук ва эркинликлар тизимидағи ўрнини таҳлил қилиш, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни амалга ошириш шакллари ва кафолатлар тизимини ўрганишдан иборат.

Ушбу белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- соғлом атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳуқук тушунчаси ва ҳуқуқий моҳиятини очиб бериш;
- инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари тизимида соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамиятини, унинг бошқа ҳуқук ва эркинликлар билан боғлиқлигини аниқлаш;
- соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни амалга оширишни таъминлайдиган умумий ва маҳсус қонун ҳужжатларининг қиёсий ҳуқуқий таҳлилини ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикасида замонавий экологик қонунчилик тизимининг иқтисодий жиҳатларини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунчилигини, атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солишининг хориж тажрибасини таҳлил қилиш;
- соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқни таъминлашда давлат иштирокини кўриб чиқиш;
- инсоннинг соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш таҳлили;
- Ўзбекистон Республикасида соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқни таъминлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари ва истиқболларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш.

**Диссертациянинг илмий янгилиги** шундан иборатки, мазкур тадқиқот ишида инсоннинг соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқларини таъминлашнинг аҳамияти даражасини тавсифлайдиган, келгуси авлодлар учун ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини жорий этиш истиқболларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этадиган, соғлом атроф-мухитга бўлган инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қиласидиган халқаро стандартлардаги қоидалар ва хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасига асосланган дастлабки тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, авваллари ҳам атроф-муҳит билан боғлиқ бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ мазкур диссертация инсоннинг фундаментал табиий ҳуқуқи сифатида ҳар бир инсоннинг соғлом атроф-мухитга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш шакллари ва кафолатларини, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сўнгги миллий ва халқаро қонун ҳужжатлари нормалари ва амалиётининг қиёсий таҳлили асосида соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқнинг бошқа конституциявий инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан муносабатларида моҳияти ва мазмунини очиб беришга бағишлиланган мамлакатимизда биринчи тадқиқотдир.

Тадқиқотнинг норматив-хуқуқий асосини халқаро экологик хуқуқ манбалари (декларациялар, резолюциялар, конвенциялар, универсал ва минтақавий характердаги шартномалар, протоколлар ва бошқа халқаро хужжатлар), бир нечта мамлакатларнинг асосий қонунлари (хусусан, Россия Федерацияси, Коста-Рика, Швейцария, Испания, Нидерландия, Туркия, Португалия, Бразилия ва бошқа шу каби давлатларнинг конституциялари), шунингдек суд амалиёти ташкил этди.

Ишнинг тузилиши уч бобдан иборат: биринчи бобда соғлом атроф-муҳитга бўлган инсон хуқуқулари тушунчаси ва шаклланиши кўриб чиқилади. Иккинчи бобда соғлом атроф-муҳитга бўлган инсон хуқуқулари ва уларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий хуқуқ нормалари таҳлил қилинади, шунингдек давлатларнинг умумий ижобий мажбуриятлари аниқланади. Учинчи бобда давлатларнинг соғлом атроф-муҳитни таъминлаш мажбуриятини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинади.

## І БОБ. СОҒЛОМ АТРОФ-МУХИТГА БҮЛГАН ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ШАКЛЛАНИШИ.

### **1.1. Соғлом атроф-мухитга бўлган хуқуқ ҳамда унинг замонавий дунёда шаклланиши ва ривожланишининг илмий асослари.**

Умуман олганда, инсон хуқуқлари тушунчаси Иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган, аммо инсон ҳуқуқларидан бири сифатида соғлом атроф-мухитга бўлган хуқуқ ҳеч қачон устувор аҳамиятта эга бўлмаган.

Сўнгги бир неча ўн йилликларда атроф-мухит ифлосланишининг инсонларга ва уларнинг ҳаёт сифатига зарарли таъсиридан хабардорлик кескин ошди. Ушбу хабардорлик сўнгги икки юз йил давомида ўтмишда дунёning атроф-мухит - ер, сув ва ҳавонинг жуда жиддий таназзулга учрашидан кейин содир бўлди. Бу сўнгги икки аср давомида дунё атроф-мухитининг - қуруқлик, сув ва ҳавонинг жуда жиддий ўзгаришларга учраши ортидан содир бўлди. Инсон фаолияти ҳар доим ҳам табиат оламига зарар етказган бўлса-да, бу фаолиятнинг салбий таъсири ушбу давр мобайнида ҳаддан ташқари сезила бошлади. Инсон фаолиятининг атроф-мухитга таъсири бир нечта асосий омилларга боғлиқ<sup>4</sup>.

Улардан бири аҳолининг ўсиши - дастлаб Европада. XVI аср бошидан у ердаги аҳоли тахминан 80 миллион кишидан XIX аср охирига келиб 266 миллионга кўпайиб бориши оқибатида ўрмонлар кесилди, сув ифлосланди ҳамда ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш сабабли ернинг унумдорлиги пасайган. Кўпайиш шароитида аҳолининг бир қисми Европани тарқ этиб, бошқа қитъалар, жумладан Америка, Африка ва Осиёнинг баъзи ҳудудларига кета бошлади. Сўнгги ўн йилликларда бу ҳудудларда аҳоли сони геометрик прогрессияда кўпайиб бормоқда.

---

<sup>4</sup> Д.Ворстер “Ернинг охири: замонавий атроф-мухит тарихининг истиқболлари” (Нью-Йорк: Кембриж университети нашриёти, 1988), [https://assets.cambridge.org/9780521348461\\_frontmatter.pdf](https://assets.cambridge.org/9780521348461_frontmatter.pdf).

Европа миграцияси ва мустамлакачилиги билан ер ва унинг табиий бойликларини эксплуатация қилишга йўналтирилган дунёқараш кенг тарқалди. Бу сўнгги 200 йилда атроф-муҳит ҳолатига катта таъсир кўрсатди. Ўтган аср давомида социалистик жамиятлар ерга нисбатан ҳудди шундай эксплуатацион муносабатда бўлиши оқибатида социалистик мамлакатлар ҳам атроф-муҳитнинг жиддий таназзулига учради.

Инсоният тараққиёти давомида сиёсий ва иқтисодий қурдат таъсири остида бўлган фан ва илмий тадқиқотлар инсониятга нафақат катта фойда келтирди, балки атроф-муҳитни ҳам жиддий равишда вайрон қилди. Бунинг энг даҳшатли кўриниши, албатта ядрорий қуролнинг ихтиро қилиниши бўлди.

Албатта, ҳамма маданиятлар ҳам бир хил ёндашувни қўлламаган ва ҳатто баъзилари капитализм ва илм-фан олиб келган ўзгаришларга (шу жумладан, атроф-муҳитга зарар етказилишига) қаршилик кўрсатишга интилишган. Асрлар давомида баъзи европаликлар саноат инқилоби ва у билан боғлиқ ўзгаришлар оқибатида ўз мамлакатларида содир бўлаётган салбий экологик зарарга ҳам норозилик билдириши. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, бу ўзгаришларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири тўпланиб бораётганидан хавотир сезиларли даражада ошиди. Дунё мамлакатларида содир бўлган ва содир бўлаётган экологик зарар тобора кўпроқ ҳужжатлаштирилмоқда ва муҳокама қилинмоқда.

Шу сабабли ҳам, инсон тоза ҳаво, тоза ичимлик суви ва соглом атроф-муҳит ҳуқуқига эга бўлишга ҳақлими деган савол мунозараларга сабаб бўлмоқда. Олтмиш йил олдин ҳам инсоннинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи тушунчаси янги, ҳатто радикал ғоя сифатида қабул қилинган. Бугунги қунда у халқаро ҳуқуқда кенг эътироф этилмоқда ва мамлакатларнинг катта қисми томонидан қўллаб қувватланмоқда.

Маълумки, бир қанча инсон ҳуқуқлари мавжуд бўлиб, улар ўз предмети ва мақсадига кўра атроф-муҳит билан боғлиқдир. Атроф-муҳит билан боғлиқлик ҳам бевосита, ҳам билвосита бўлиши мумкин: бевоситада

ёмон атроф-мухит шахс ёки жамиятнинг уларга кафолатланган муайян ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятини тўғридан-тўғри чекласа, билвоситада ёмон атроф-мухит шахс ёки жамиятнинг ўз инсон ҳуқуқларини амалга ошириш қобилиятига таъсир қилади ёки ҳукуматнинг ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш қобилиятига тўскинлик қилади.

Соғлом атроф-мухитни инсон ҳуқуқларидан фойдаланиш учун дастлабки шарт сифатида кўриш мумкин, чунки у маълум бир ҳуқуқдан фойдаланиш учун зарур (масалан, тоза ичимлик суви мавжудлиги орқали соғлиқ ҳуқуқи) ёки умуман инсон ҳуқуқларидан фойдаланиш ва уларни таъминлаш имкониятини беради<sup>5</sup>.

Шуниси ҳам муҳимки, соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқнинг унча узоқ бўлмаган вақт олдин пайдо бўлганига қарамасдан, экологик ҳуқуқлар 100 га яқин миллий конституцияларга киритилган. Бу қоидалар атроф-мухитга оид қонунларни кучайтириш ва муҳим суд қарорларидан тортиб энг ифлосланган худудларни тозалаш ва хавфсиз ичимлик суви билан таъминлашгача сезиларли таъсир кўрсатди<sup>6</sup>.

Экологик ҳуқуқ ва мажбуриятлар минг йиллар давомида маҳаллий ҳуқуқий тизимларнинг асоси бўлиб келган<sup>7</sup>. Бироқ, соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966) ёки Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966) каби инсон ҳуқуқлари бўйича дастлабки халқаро ҳужжатларда ўз аксини топмаган.

---

<sup>5</sup> Жон Нокс “Хавфсиз, тоза ва соғлом атроф-мухитдан фойдаланиш билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари мажбуриятлари масаласи бўйича мустақил эксперт ҳисботи” (Mapping Report, UN Doc No A/HRC/25/53); Филипп Сандс “Халқаро экологик ҳуқуқ тамойиллари” (Cambridge University Press, 2-нашр, 2003); Патрисия Бирни ва Алан Бойл “Халқаро ҳуқуқ ва атроф-мухит” (Oxford University Press, 2-нашр, 2002); Шелтон “Инсон ҳуқуқлари, атроф-мухит ҳуқуқлари ва атроф-мухитга бўлган ҳуқуқ”; Ксентини Фатма “Инсон ҳуқуқлари ва атроф-мухит бўйича маҳсус маърузачининг маърузаси” (UN Doc E/CN.4/Sub.2/1994/9); Неил Попович “Халқаро инсон ҳуқуқлари ва давлат конституциялари билан экологик адолатни таъминлаш (Stanford Environmental Law Journal 338, 340); Инсон ҳуқуқлари ва атроф-мухит, Инсон Ҳуқуқлари Кенгаши 16/11, 16-сессия, Кун тартибининг 3-банди, UN Doc A/HRC/Res/16/11 (24 March 2011).

<sup>6</sup> Девид Р. Бойд “Атроф-мухит ҳуқуқлари инқилоби: Конституциялар, инсон ҳуқуқлари ва атроф-мухит бўйича глобал тадқиқот” (Vancouver: University of British Columbia Press) // URL: <https://www.ubcpress.ca/the-environmental-rights-revolution>.

<sup>7</sup> Ж.Борроус “Маҳаллий халқлар конституцияси” (Toronto: University of Toronto Press, 2010) // URL: <https://utorontopress.com/9781442610385/canadas-indigenous-constitution>.

Ушбу халқаро келишувлар ишлаб чиқилаётган даврда хужжатларга атроф-мухитни муҳофаза қилиш масалаларини қўшишни оқлаш учун атроф-мухит бузилишининг кўлами, суръати ва салбий таъсири тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлиги етарли даражада ривожланмаган эди.

Инсоннинг соғлом атроф-мухитга бўлган хукуки бўлиши кераклиги ҳақидаги биринчи ёзма таклиф 1962 йилда нашр этилган “Сокин баҳор” (“Silent Spring”) китобида Рейчел Карсон (Rachel Carson) томонидан берилган:

*“Агар Хуқуқлар тўғрисидаги Билл фуқарони жисмоний шахслар ёки давлат мансабдор шахслари томонидан тарқатиладиган ҳалокатли заҳарлардан ҳимоя қилиши кафолатини бермаса, бу шубҳасиз, отабоболаримиз катта донолик ва узоқни кўра билишларига қарамай, бундай муаммони тасаввур қила олмаганиклари сабаблидир”.*<sup>8</sup>

Соғлом атроф-мухитга бўлган хукуқнинг биринчи расмий тан олиниши 1972 йилда глобал экологик саммитда қабул қилинган Стокгольм декларациясида қайд этилган. Декларациянинг биринчи тамойили атроф-мухитни муҳофаза қилиш инсон хуқуqlари нормалари билан боғлайди:

*“Инсон эркинлик, тенглик ҳамда муносаб ва фаровон ҳаёт кечириши учун имкон берадиган қулай ҳаёт шароитларига эга бўлган атроф-мухитда яшаши ҳуқуқига эга бўлиб, ҳозирги ва келажсак авлодлар учун атроф-мухитни муҳофаза қилиши ва яхшилашга қаратилган муҳим масъулиятни ўз зиммасига олади”.*<sup>9</sup>

Стокгольм декларацияси учта мажбурий характерга эга бўлмаган хужжатдан иборат: институционал ва молиявий тартибга солиш тўғрисидаги резолюция, 26 та тамойилни ўз ичига олган декларация ва 109 та тавсияларни ўз ичига олган ҳаракатлар режаси.

---


<sup>8</sup> Р.Карсон “Сокин баҳор” (“Silent Spring”) китоби, (Boston: Houghton Mifflin, 1962), 15 б. // URL: [https://library.uniteddiversity.coop/More\\_Books\\_and\\_Reports/Silent\\_Spring-Rachel\\_Carson-1962.pdf](https://library.uniteddiversity.coop/More_Books_and_Reports/Silent_Spring-Rachel_Carson-1962.pdf).

<sup>9</sup> Стокгольм декларацияси (БМТнинг инсон атроф-мухити бўйича конференцияси декларацияси), 1972 йил, UN Doc. A/Conf.48/14/Rev.1. // URL: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/NG9/001/72/PDF/NG900172.pdf?OpenElement>.

Стокгольм конференцияси ҳам глобал, ҳам миңтақавий, ҳам миллий миңесда атроф-мухит ҳуқуқини ривожлантиришда мухим бошланиш нүктаси ҳисобланади. Стокгольм декларацияси қабул қилинганидан кейин ўтган эллик йил ичида соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқук бутун дунё бўйлаб тез тарқалди.

2021 йил ҳолатига кўра, БМТга аъзо 193 та давлатдан 155 таси ушбу ҳуқуқни ўз конституциясида, атроф-мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларида, суд қарорларида ёки халқаро шартномани ратификация қилиш орқали тан олади<sup>10</sup> (расмга қаранг).

#### **Қайси давлатлар соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқни тан оладилар:<sup>11</sup>**



Халқаро ҳуқук стандартларни белгилаш ва инсон ҳуқуқлари бузилиши учун охирги инстанция судини тақдим этишда мухим роль ўйнасада, ҳақиқат шундаки ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва амалга ошириш

<sup>10</sup> Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 48 сессиядаги ҳисботи (2021 йил 13 сентябрь-11 октябрь) A/76/53/Add.1 13 бет, <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G21/294/34/PDF/G2129434.pdf?OpenElement>.

<sup>11</sup> Катарина Циммер “Соғлом атроф-мухит инсон ҳуқуки сифатида” (Knowable Magazine on April 21, 2021) // URL: <https://www.scientificamerican.com/article/a-healthy-environment-as-a-human-right>.

бўйича аксарият ҳаракатлар авваламбор миллий даражада амалга оширилади.

Мамлакатларда конституция энг олий ва энг кучли қонун ҳисобланиб, барча қонунлар, қарорлар ва сиёsat унга мувофиқ бўлиши керак. Конституция инсон ҳукуқларини ҳимоя қилади, давлатнинг мажбуриятларини белгилайди ҳамда ҳукумат ваколатларини чеклайди. Конституциялар чукур маънода жамиятнинг илдиз отган ва ноёб қадриятларини акс эттиради. Бир судья айтганидек, “Конституция – миллат қалбининг қўзгусидир”<sup>12</sup>.

Португалия (1976 йилда) ва Испания (1978) биринчи бўлиб соғлом атроф-муҳит ҳуқуқини ўз конституцияларига киритдилар. Португалия Конституциясининг 66-моддасида белгиланишича: “Ҳар ким соғлом ва экологик жиҳатдан мувозанатли атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқига эга ва уни ҳимоя қилиш бурчидир”<sup>13</sup>. 1970 йилларнинг ўрталаридан бошлаб 100 дан ортиқ давлатлар ушбу ҳуқуққа конституциявий мақом берди<sup>14</sup>.

Конституциявий ҳуқуқ бўйича эксперталарнинг таъкидлашича, сўнгти 50 йил ичида атроф-муҳит ҳуқуқларини тан олиш бошқа инсон ҳукуқларига қараганда тезроқ ривож топди<sup>15</sup>. Ушбу ижобий жараёнга қарамай, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқнинг кўлами ва потенциал фойдаси ҳақида мунозаралар давом этмоқда.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, конституциявий экологик ҳуқуқларнинг потенциал афзалликлари қўйидагилардан иборат:

- Нисбатан қаттиқроқ атроф-муҳит қонунлари ва сиёsat;

<sup>12</sup> Намибия Ачесонга қарши (State v. Acheson 1991 2 SA 805). <https://media.namiblii.org/files/judgments/nasc/1998/2/1998-nasc-2.pdf>.

<sup>13</sup> Португалия Республикаси Конституцияси, 02.04.1976 й. // Дунё давлатларининг (мамлакатларининг) конституциялари // URL: <https://worldconstitutions.ru/?p=141>.

<sup>14</sup> Янн Агила “Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ”. <https://www.iucn.org/news/world-commission-environmental-law/202110/right-a-healthy-environment>.

<sup>15</sup> Д.Лоу ва М.Верстиг (D.Law and M.Versteeg) “АҚШ Конституцияси таъсириларни пасайиши”, (New York University Law Review 87 (2012). <a href="https://deliverypdf.ssrn.com/delivery.php?ID=876127020083068029116018115082031098032032005076035071068099126022104024109096078123038034063030056048039113088091105005084124019016043042041097005006019065101100003073039013124001109001066012120009080115083118106080083001121030098098083098102101000&amp;EXT=pdf&amp;INDEX=TR UE.</p>

- Фойдаланиш ва риоя этилишини таъминлаш такомиллашганлиги;
- Атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг фаол иштироки;
- Масъулиятнинг ошганлиги;
- Экологик адолатсизликнинг камайиши;
- Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар билан тенг шароитлиги;
- Атроф-мухит кўрсаткичларининг яхшиланиши.

Бошқа томондан, танқидчиларнинг таъкидлашича конституциявий экологик ҳуқуқлар қуидагилардир:

- Фойдали бўлиш учун жуда ноаниқ;
- Мавжуд инсон ҳуқуқлари ва атроф-мухитга оид қонунлар туфайли ортиқча;
- Демократияга таҳдид, чунки ҳуқуқ ҳокимиятни сайланган қонун чиқарувчилардан судьяларга ўтказади;
- Ижро этилиши мажбурий эмас;
- Суд жараёнлари оқимининг юзага келиши эҳтимоли;
- Самарасизлик эҳтимоли.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда бу ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари соҳасида қизғин муҳокама қилинаётган янги тушунчадир. Соғлом атроф-мухит нафақат одамлар, балки сайёрамиздаги бошқа ҳайвонлар учун ҳам яшаш ҳуқуқининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши асосий яшаш ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

Келажак авлодларга атроф-мухит сифати нуқтаи назаридан фаровон келажакни таъминлаш учун баъзи тадқиқотчилар атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг халқаро ва миллий механизмларни мустаҳкамлаш ва инсоннинг соғлом атроф-мухитга бўлган асосий ҳуқуқини таъминлаш бўйича аниқ ечимларни топиш учун тадқиқотлар ўтказишиди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий шартномалар атроф-мухит омиллари бўйича бевосита аралашувга мойил бўлган бир қатор ҳуқуқларни ўз ичига олади. Ушбу шартномаларни қўллайдиган ва амалга

оширадиган ҳокимият органлари ушбу ҳуқуқларнинг айримлари атроф-муҳит билан боғлиқлигини тан олишиб, маълум шароитларда атроф-муҳитнинг бузилиши ушбу ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келиши мумкинлигини тасдиқладилар<sup>16</sup>.

1997-2000 йилларда Халқаро суднинг вице-президенти бўлган Вирамантри “Габчиково-Надъямарош” (Gabcikovo-Nagymaros) иши бўйича ўзининг алоҳида фикрида, шундай деди:

“Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ... замонавий инсон ҳуқуqlари доктринасининг муҳим қисмидир, чунки у соғлиқ ва яшаш ҳуқуқи каби кўплаб инсон ҳуқуклари учун зарурӣ шартдир. Бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтишнинг ҳожати йўқ, чунки атроф-муҳитга етказилган зарар Инсон ҳуқуклари умумжаҳон декларациясида ва инсон ҳуқуклари бўйича бошқа хужжатларда айтилган барча инсон ҳуқукларига путур етказиши ва бузиши мумкин”<sup>17</sup>.

Ҳуқуқнинг ривожланиши жараёнига қайтадиган бўлсак, Стокгольм конференцияси кейинги йигирма йил давомида ҳуқуқий ва институционал ривожланишга таъсир кўрсатиб, давлатлар соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи муҳим минтақавий қонунлар кодексини ишлаб чиқдилар.

Масалан, 1981 йилдаги Инсон ва халқлар ҳуқуклари тўғрисидаги Африка Хартиясининг 24-моддасида “Барча халқлар ўзларининг ривожланиши учун қулай бўлган умумий қониқарли муҳитга эга бўлиш ҳуқуқига эга”<sup>18</sup>лиги қайд қилинган. Айтиш жоизки, Африка Хартияси бошқа халқаро ва минтақавий хужжатлардан бу ҳуқуқни алоҳида шахсларга эмас, балки бир гуруҳга берганлиги билан фарқ қиласди.

---

<sup>16</sup> Робин Черчилл “Инсон ҳуқуклари бўйича мавжуд шартномалардаги экологик ҳуқуклар” Аллан Бойл ва Майл Андерсон таҳририда, “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга инсон ҳуқуклари ёндашувлари” (Clarendon, 1996) 89, 106.

<sup>17</sup> Габчиково-Надъямарош лойиҳаси (Венгрия Словакияга қарши), 1997 йил, ICJ Rep 7, 91-92 (Вице-президент Верамантри).

<sup>18</sup> Инсон ва халқлар ҳуқуклари тўғрисидаги Африка Хартияси, 1981 йил, <https://normativ.kontur.ru/document?moduleId=1&documentId=12633>.

Бундан ташқари, кейинги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган таъсирчан механизмлардан бири бу БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастурининг (UNEP) ташкил этилиши бўлди. Бу, шунингдек 1982 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг денгиз муҳити ва денгиз тирик ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича глобал қоидаларни ўрнатиш учун асос бўлган Денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияларини (UNCLOS) ишлаб чиқишига олиб келди.

Стокгольм конференциясидан сўнг муҳим миңтақавий ўзгаришлар ҳам рўй берди, жумладан Европа ҳамжамияти томонидан янги қоидалар ва низомларнинг қабул қилиниши ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотида (OECD) Атроф-муҳит бўйича қўмита ташкил этилиши.

1983 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Норвегия Бош вазири Гро Харлем Брундтланд раислигига Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича бутунжаҳон комиссиясини (WCED) тузди. Комиссия мустақил орган сифатида ташкил этилиб, ҳукуматлар ва БМТ тизими билан боғланган бўлсада, улар томонидан назорат қилинмайди.

1987 йил декабрь ойида Комиссия Брундтланд ҳисботини нашр этди. Ҳисботда янги терминология “барқарор ривожланиш” пайдо бўлиб, иқтисодий ривожланиш фаолияти экологик чекловлар контекстида жойлаштирилди. Шунингдек, Брундтланд ҳисботида атроф-муҳит ва ривожланиш муаммосини ҳал қилиш учун БМТнинг иккинчи конференциясини ўтказиш таклиф қилинган.

Стокгольмдан 20 йил ўтиб, 1992 йил июнь ойида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси (UNCED) бўлиб ўтди. Конференциянинг мақсади атроф-муҳит деградацияси оқибатларини тўхтатиш ва бартараф этиш бўйича стратегия ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиши, шунингдек барча мамлакатларда барқарор ва экологик жиҳатдан соғлом ривожланишга кўмаклашиш бўйича миллий ва ҳалқаро саъй-

ҳаракатларни кучайтиришдан иборат эди. Рио-де-Жанейродаги анжуманда бутун дунёдан минглаб нодавлат ташкилотлар иштирок этди.

Конференция учта мажбурий бўлмаган ҳужжатни қабул қилди, улардан бири 27 та тамойилни белгилаган Атроф-муҳит ва ривожланиш тўғрисидаги Рио-де-Жанейро декларацияси бўлди. Рио-де-Жанейро декларациясининг 1-тамойилида “одамлар барқарор ривожланишнинг ташвиш марказида бўлиб, улар табиат билан уйғунликда соғлом ва самарали ҳаёт кечириш ҳуқуқига эга” дейилган. Соғлом атроф-муҳит инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилмаган бўлсада, 1-тамойил айнан шунга ишора қиласи. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосини ташкил этувчи барқарор ривожланиш.

Шу билан бирга, Рио-де-Жанейро конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосини ташкил этувчи “Agenda 21” (“21 аср қун тартиби”) номи остида барқарор ривожланишнинг узоқ муддатли дастурини ҳам қабул қилди.

Рио-де-Жанейрода ўтган конференциядан кейинги йиллар глобаллашув билан ажралиб турди. Глобаллашув натижасида жадаллашган иқтисодий ўсиш баъзи мамлакатларда қашшоқликда яшовчи одамлар улушкини камайтиришга имкон берган бўлса, бошқаларида амалда қашшоқлик ва маргиналланиш (аввалги мақомининг йўқолиши) ошди. Жуда қўп мамлакатларда иқтисодий ҳолат ёмонлашди ва давлат хизматлари ёмонлашди. Мамлакатлараро ва мамлакатларнинг ўзида даромадлар нотенглиги кучайди, ишсизлик эса ошди.

Айнан шу даврда, UNEPнинг “Глобал атроф-муҳит истиқболи”да (1997 йил) қайд этилишича, глобал атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви давом этди. Заҳарли ва иссиқхона газларининг ажратмаси ортиб бормоқда, ўрмонларни кесиш даражаси пасаймаган, биологик хилма-хилликни йўқотиши давом этмоқда.

Хуқуқнинг минтақавий ҳужжатларда ривожланишини кўрадиган бўлсак, 2004 йилда араб давлатлари лигаси томонидан қабул қилинган ва 2008 йилда кучга кирган Инсон хуқуқлари бўйича Араб Хартиясининг 18-моддасида “хар бир инсоннинг соғлом атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқига эга”лиги мустаҳкамланган<sup>19</sup>.

Лотин Америкасида 1969 йилда қабул қилинган ва 1978 йилда кучга кирган Инсон хуқуқлари бўйича Америка конвенцияси ёки Сан-Хосе пакти - инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий конвенцияга 1998 йилдаги Сан-Сальвадор протоколининг 11-моддасига мувофиқ, “Хар бир инсон соғлом атроф-муҳитда яшаш ва асосий давлат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Иштирокчи давлатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сақлаш ва яхшилашга қўмаклашадилар”<sup>20</sup>.

Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ахборотга кириш, жамоатчилик иштироки ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2018 йилдаги минтақавий келишув, яъни Эскасу келишуви (Acuerdo de Escazú) ҳам атроф-муҳитга оид қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки, экологик адолат ва ҳозирги ва келажак авлодларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишни рағбатлантиришга қаратилган<sup>21</sup>.

Европа минтақасида бу ҳуқуқнинг тан олиниши унчалик аниқ эмас. Эскасу келишувига ўхшаш бўлган БМТнинг Евropa Иқтисодий Комиссиясининг 1998 йилдаги “Ахборотдан фойдаланиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва атроф-муҳит масалалари бўйича одил судловдан фойдаланиш тўғрисида”ги Конвенцияси ёки Орхус конвенцияси ўзининг 1-моддасида “ҳозирги ва келажак авлодлар ҳар бир инсоннинг

<sup>19</sup> Инсон хуқуқлари бўйича Араб Хартияси, 2004 йил, <https://www.worldislamlaw.ru/?p=134>.

<sup>20</sup> Инсон хуқуқлари бўйича Америка конвенцияси ёки Сан-Хосе пакти - инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий конвенцияга 1998 йилдаги Сан-Сальвадор протоколи. <http://www.oas.org/juridico/english/treaties/a-52.html>.

<sup>21</sup> Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ахборотга кириш, жамоатчилик иштироки ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2018 йилдаги минтақавий келишув. [https://repositorio.cepal.org/bitstream/handle/11362/43583/1/S1800428\\_en.pdf](https://repositorio.cepal.org/bitstream/handle/11362/43583/1/S1800428_en.pdf).

ўз саломатлиги ва фаровонлиги учун мос мухитда яшаш хукуқини яна бир бор тасдиқлайди” дейилган<sup>22</sup>.

Бироқ, Инсон хукуқлари бўйича Европа конвенцияси (1950 йил) соғлом атроф-мухитга бўлган хукуқни мустаҳкамламайди. Атроф-мухит муаммолари Конвенциянинг Инсон хукуқлари бўйича Европа суди томонидан динамик талқин қилиш орқали билвосита аллақачон тан олинган инсон хукуқлари орқали чекланган ҳимояни таъминлаш орқали ҳал қилинади.

Шу сабабли, 2021 йил сентябрь ойида Европа Кенгашининг Парламент Ассамблеяси қонун хужжатларини янада мукаммалаштиришни таклиф қилди: у Инсон хукуқлари бўйича Европа конвенциясига соғлом атроф-мухитга бўлган хукуқни ҳам таъминлайдиган қўшимча протокол қабул қилишни тавсия қилди.

Стокгольм ва Рио-де-Жанейро конференцияларидан сўнг соғлом атроф-мухитга бўлган хукуқни ҳалқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қўйиш бўйича бир қанча ташабbusлар кўтарилиди. Масалан, Табиатни муҳофаза қилиш ҳалқаро иттифоқи томонидан 1995 йилда таклиф этилган “Атроф-мухит ва ривожланиш бўйича ҳалқаро пакт” лойиҳасининг 14-моддасида “давлатлар барча инсонларнинг экологик соғлом атроф-мухитда яшаш хукуқини тўлиқ рўёбга чиқаришга босқичма-босқич мажбурият оладилар” деб кўрсатилган эди. Яқинда Глобал экологик пакт лойиҳаси (2017 йил) ўзининг 1-моддасида соғлом атроф-мухитга бўлган хукуқни тан олишни таклиф қилди<sup>23</sup>.

2021 йил 8 октябрда БМТнинг Инсон хукуқлари бўйича кенгаши резолюция қабул қилиб, тоза, соғлом ва барқарор атроф-мухитга бўлган хукуқ инсон хукуки эқанлигини тан олди. Бу қарор олдинга ташланган

<sup>22</sup> БМТнинг Европа Иктисадий Комиссиясининг 1998 йилдаги “Ахборотдан фойдаланиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва атроф-мухит масалалари бўйича одил судловдан фойдаланиш тўғрисида”ти Конвенцияси. [https://unece.org/DAM/env/pp/Publications/2015/Aarhus\\_Convention\\_Implementation\\_Guide\\_R.pdf](https://unece.org/DAM/env/pp/Publications/2015/Aarhus_Convention_Implementation_Guide_R.pdf).

<sup>23</sup> Атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича Глобал пакт лойиҳаси (Сорбонна, Париж, 2017 йил 24 июнь). <https://globalpactenvironment.org/uploads/EN.pdf>.

мухим қадамдир. Гарчи у қонуний кучга эга бўлмаса-да, унинг деярли бир овоздан қабул қилиниши ушбу инсон ҳуқуқининг матни, мазмуни ва аҳамияти бўйича келишувга эришилганликдан далолат беради.

## **1.2. Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ мазмун-моҳияти ва конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар тизимидағи ўрни.**

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ концепциясига нисбатан бир нечта қарашлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, соғлом атроф-муҳит нафақат соғлом (ифлосланмаган), балки ресурсларни кўп талаб қиласидиган ва экологик барқарор, эстетик жиҳатдан бой ва хилма-хил яшаш муҳитидир.

Айримларнинг талқинида эса, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ бу – аниқ, субъектга тегишли, доимий равишда амалга ошириладиган, қонун билан мустаҳкамланган, давлат томонидан кафолатланган ва ҳимояланган соғлиқ учун (табиий) хавфсиз табиат неъматларни истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек давлатдан бошқа барча фуқаролар ва юридик шахсларнинг табиатдан фойдаланиш ва бошқа экологик аҳамиятга эга фаолиятни амалга оширишда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ва ушбу қоидалар бузилган тақдирда, давлат ёки жамоат ҳимоясига (ўзини ҳимоя қилиш) мурожаат қилиш имкониятидир.

Охирги таъриф энг муваффақиятли ва энг мураккабидир. Унда фуқаронинг соғлом атроф-муҳитга оид барча ваколатлари санаб ўтилган, ҳатто бу ҳуқуқни амалга ошириш босқичлари ҳам кўрсатилган. Бироқ, инсон ҳуқуқлари ва фуқаронинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуки ўртасидаги фарқи ва ҳуқуқнинг кафолатлари кўрсатилмаган.

Ҳозирги вақтдаги маънода бу ҳуқуқ юқорида айтиб ўтилгандек, 1972 йилги Стокгольм конференцияси қарорлари ва 1992 йилдаги атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро конференцияда қабул қилинган Принциплар декларациясининг қоидалари натижасида шаклланган.

Инсоннинг соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқи – бу ҳар бир инсон, халқлар ва бутун инсоният учун жисмоний ва руҳий саломатликнинг максимал даражасини таъминлайдиган Ер биосферасининг шундай ҳолатида яшаш ҳамда инсон фаолияти натижасида биосферага глобал таҳдидларни бартараф этувчи воситалар тизимидан фойдаланиш имконияти<sup>24</sup>. Ушбу концепцияни асосий тушунча сифатида кўриб чиқиш кийин, чунки у катта майдонни (бутун дунёни) қамраб олади ва ушбу ҳуқуқнинг ўзига хос элементларини ажратиб кўрсатишга имкон бермайди. Бироқ, бу таъриф ҳақиқий маънога эга.

Қоидага кўра, “соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқ” деганда нафақат атроф-мухитнинг инсонга салбий таъсиридан ҳоли бўлиш ҳуқуқи, балки унинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумот олиш ва экологик ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқи тушунилади.

Гарчи уларнинг ҳар бири мустакил ҳуқуқ сифатида намоён бўла олсада<sup>25</sup>, бу ҳуқуқларни жамлаган ҳолда кўриб чиқиш ва улардан фойдаланиш жуда муҳим, чунки фақат шу тарзда ушбу конституциявий ҳуқуқнинг ҳақиқий ва самарали амалга оширилишига эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқ қайд қилинмаганига қарамасдан, асосий қомусимизнинг куйидаги конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларни ёрдамчи деб ҳисоблаш мумкин:

- ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи<sup>26</sup>;
- барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлор бўлган

---

<sup>24</sup> А.П.Анисимов “Инсон ва фуқаронинг соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқи” <http://lawdiss.narod.ru/oglav/0220.htm>.

<sup>25</sup> А.М.Шафиков, М.С.Сагандиков “Соғлом атроф-мухитга бўлган конституциявий ҳуқуқлар ва унинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар радиация таъсирига учраган фуқароларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомининг элементи сифатида”. <https://vestnik.susu.ru › law › article › download › 2072 › 2013>.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 08 декабрь, (24-модда), <https://lex.uz/docs/20596#39029>.

хужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши мажбурияти<sup>27</sup>;

– ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргалиқда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи<sup>28</sup>;

– ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи<sup>29</sup>;

– малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи<sup>30</sup>;

– фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга оид бурчи<sup>31</sup>.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ ҳар доим уни амалга ошириш жараёнида бўлади, яъни унинг пайдо бўлиш вақти – бу шахснинг туғилиши ёки дейлик Ўзбекистон ҳудудига кириши ва унинг тугалланиш вақти – фуқаронинг ўлими ёки Ўзбекистондан чиқиб кетишидир. Ушбу ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, масалан заарар қопланиши ҳуқуқи кимдир атроф-муҳитга заарар этказгандан кейингина вужудга келади.

Бундан келиб чиқадики, инсоннинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқининг мазмун-моҳияти фаровон муҳитда яшаш ва бўлиш, атроф-муҳит ҳолати тўғрисида ишончли маълумот олиш, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш учун давлат органларига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, судларга мурожаат қилиш, шунингдек етказилган заарни қоплаш имкониятидан иборат.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ, биринчи навбатда, давлат-ҳуқуқий институт бўлиб, у дахлсиздир ҳамда туғилишдан бошлаб вужудга келади ҳамда инсон ва фуқаронинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 08 декабрь, (30-модда), <https://lex.uz/docs/20596#39029>.

<sup>28</sup> Шу жойда (35-модда).

<sup>29</sup> Шу жойда (44-модда).

<sup>30</sup> Шу жойда (116-модда).

<sup>31</sup> Шу жойда (50-модда).

биридир. Бу, энг аввало, мамлакат аҳолисининг фаровонлигини ва аҳолининг ривожланиши ва соғлигини сақлаш (ёки тиклаш) учун имконият берадиган шарт-шароитларни яратишдир.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни ҳуқуқий тартибга солиш унинг моҳиятини акс эттирувчи муайян тамойилларга асосланади. Улар, энг аввало, амалга оширишнинг мақсад ва тамойилларида ифодаланади.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқнинг қонунчиликни мустаҳкамлаш ва амалга ошириш мақсадлари сифатида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ иккита мақсадни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) аҳолини атроф-муҳитнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш ва ҳимоя қилиш;
- 2) инсоннинг ҳаёти, меҳнати ва дам олиши учун шароит яратиш;
- 3) миллатнинг соғлом генофондини сақлаш.

Белгиланган мақсадларга эришишда маълум тамойиллардан фойдаланилади. Аввало, бу бутун Ўзбекистон қонунчилиги йўналтирилган инсонпарварликнинг умумий тамойилидир. Бундан ташқари, давлатимизнинг ижтимоийлик тамойили мухим ўрин тутади. Юқоридагилардан ташқари, бир қанча тамойиллар мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисми конституциявий, экологик ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларида мустаҳкамланган.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг бир қанча асосий тамойиллари мавжуд бўлиб, улар соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ тизимини тавсифлайди.

1. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини ва соғлом атроф-муҳитни сақлашни таъминлашга қаратилган инсон, давлат, жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларининг илмий асосланган уйғунлиги тамойили.

Ушбу тамойил инсон эҳтиёжлари ва иқтисодиёт имкониятларини мувозанатлаш, бир томондан кафолатлар ва қулай шарт-шароитларни таъминлаш учун шароит яратиш учун мўлжалланган. Бошқа томондан,

корхоналар ва бошқа ишлаб чиқариш объектларининг салбий таъсирини, умуман антропоген оқибатларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантиришга ёрдам беради.

Илмий асослаш айнан қандай атроф-муҳитни соғлом деб ҳисоблаш мүмкинлигини аниқлашга ва салбий оқибатларни минималлаштирган ҳолда инсоннинг иқтисодий фаолиятини қатъий белгиланган чегараларда амалга оширишга имкон беради. Уни амалга ошириш экспертиза орқали атроф-муҳит ҳолатини ва ўзгаришларнинг таъсирини баҳолаш орқали амалга оширилади.

2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида тартибга солиш тамойили.

Бу атроф-муҳитга таъсир қилишининг рухсат этилган максимал нормаларини норматив-хуқуқий хужжатларда белгилаш ва мустаҳкамлаш имконини беради. Бу тамойил иқтисодий фаолият шароитида аҳолининг экологик ҳавфсизлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида ушбу тамойилни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ва “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун нормаларини бирлаштириш орқали амалга оширилади. Шубҳасиз, бу биринчи тамойил билан чамбарчас боғлиқ.

3. Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, қайта ишлаб чиқариш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш тамойили.

Ушбу тамойилни қўллаш табиий ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш ва инсон саломатлиги ва атроф-муҳит ҳолати учун қайтарилмас оқибатларнинг олдини олиш билан боғлиқ. Табиатдан фойдаланиш қоидалари табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнини тартибга солади, тамойил фойдаланиш субъектларининг муайян хуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашга имкон беради.

Баъзи ҳолларда ресурслардан ёки уларнинг қисмларидан фойдаланиш бўйича маълум чегаралар ёки тақиқлар белгиланади.

Ушбу тамойил меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда (“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари) мустаҳкамланган ҳолда амалга оширилади.

4. Ҳар кимнинг атроф-муҳитнинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумот олиш хуқуқига риоя қилиш, фуқароларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқларига оид қарорлар қабул қилишда иштирок этиш, фуқароларнинг, жамоат ва бошқа нотижорат бирлашмаларининг экологик муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш тамойили.

Бу фуқаролар ва улар бирлашмаларининг қулай экологик вазиятни таъминлаш соҳасидаги манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш имкониятини, давлат ва ҳокимият органларидан атроф-муҳитнинг ҳолати, ифлосланиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли маълумотларни талаб қилиш хуқуқини англатади.

Ушбу тамойилнинг амалга оширилиши фуқароларга ахборот олиш ва унинг ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларда иштирок этиш имкониятини беради (Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар).

5. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳамкорлик тамойили.

Соғлом атроф-муҳитни сақлаш (ёки яратиш) муаммоси глобал характерга эга. Антропоген фаолиятнинг салбий оқибатлари нафақат улар ишлаб чиқарилган ҳудуд аҳолисига, балки баъзи ҳолларда қўшни мамлакатлар аҳолисига ёки бутун дунёга таъсир қиласди.

Бундан ташқари, бир қатор табиий ресурслардан бир вақтнинг ўзида бир нечта мамлакатлар фойдаланади (масалан Жаҳон океани сувлари). Атом

электр станцияларидаги авариялардан тортиб озон қатламининг бузилишигача бўлган кенг кўламли мисолларни келтириш мумкин. Шу боис, миллий чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда жаҳон ҳамжамияти кўплаб муаммоларни биргаликда ҳал қиласди (БМТнинг Инсон атроф-муҳити тўғрисидаги конвенцияси).

Соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқни амалга ошириш учун экология хуқуқига ҳам мурожаат қилиш керак, чунки айнан шу соҳа унинг амалий қўлланилишини таъминлайди.

Экология хуқуқи тизими – бу инсон хуқуқларини тартибга солиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги ролига қараб маълум бир кетма-кетликда жойлашган ўзаро боғлиқ хуқуқий институтлар йиғиндисидир.

Экология хуқуқи тизими шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари ва тенденцияларига эга бўлган анча мураккаб хуқуқий ҳодисадир. Унинг моҳияти ва мазмuni атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг хуқуқ соҳаси сифатида ривожланишининг объектив қонуниятлари билан белгиланади.

Экология хуқуқининг умумий қисми мазмuni атроф-муҳитга таъсир қилиш билан боғлиқ инсон фаолиятини ёки корхоналарни тартибга солиш ва тартибга солишнинг асосий йўналишларини ўз ичига олса, маҳсус қисми мазмунига хуқуқий институтлар киради, уларнинг мазмuni табиатдан фойдаланишининг табиати ва турлари, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш хусусиятлари билан белгиланади.

Бу институтларнинг барчаси (ҳам умумий, ҳам маҳсус) атроф-муҳитни инсон ҳаёти учун соғлом ҳолатда сақлашга қаратилган. Биргаликда улар нафақат тегишли шароитларнинг таъминланишини, балки ҳар кимнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқини амалга оширишини ҳам таъминлайди.

Бундан кўринадики, нафақат конституциявий хуқуқ, балки экология хуқуқи ресурслари ҳам инсоннинг соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқини амалга оширишга қаратилган. Принцип ва мақсадлар эса инсоннинг соғлом

атроф-мухитга бўлган ҳуқуқини таъминлашдан асосий мақсад аҳоли саломатлигини асраш эканлигини кўрсатади. Бунга эришиш учун илмий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа усувлардан фойдаланилади. Принциплар эса белгиланган йўналишни қўллаб-қувватлайди ва ушбу ҳукуқ фойдаланадиган асосларни тавсифлайди.

Соғлом атроф-мухитга бўлган ҳукуқ инсоннинг табиий ҳуқуқларидан бири бўлиб, ажралмасдир. Ҳар бир инсоннинг ушбу ажралмас ҳукуқини тўлиқ тушуниш учун у нимани ўз ичига олганлигини аниқ тушуниш керак. Бунда анъанавий ваколатларни - ҳукуқ элементларини ажратиб кўрсатиш мумкин<sup>32</sup>.

1. Фойдаланиш ҳукуқи. Бу табиий муҳитдан табиий (ва ягона) яшаш жойи ҳамда инсон ҳаёти учун қулай шароитларда унинг ресурсларидан фойдаланиш имкониятидир. Атроф-мухитнинг соғлом ва муносиблигини баҳолашнинг асосий усули – қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган стандартларга мувофиқлигидир. Булар тозалиги, захираларнинг камайиши, ресурсларнинг интенсивлиги, турларнинг хилма-хиллиги, экологик барқарорлик ва бошқалар.

2. Талаб қилиш ҳукуқи. Бу субъектнинг ўз манфаатларини кўзлаб мажбуриятга эга шахслардан муайян ҳаракатларни талаб қилиш, яъни ушбу ҳукуқни амалга оширишга аралашмаслик ёки бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш имкониятининг ҳукуқий асосидир.

3. Ҳаракат қилиш ҳукуқи. Бу ҳукуқ субъектининг ўз ҳукуқини амалга ошириш ёки ҳимоя қилиш (у бузилган тақдирда) учун ижобий ҳаракатлар қилиш имкониятидир. Демак, ҳукуқ берилган шахс ҳеч қандай ҳаракатларни амалга оширишга мажбур эмас, у ҳаракатларни амалга оширишни танлашда эркиндин. Унга қатъий белгиланган хулқ-атвор тури белгиланмаган, инсон маҳаллий ҳокимият органларига шикоят қилиш ёки йўқлигини, судга боришини ва ҳоказоларни танлаши мумкин. Шахснинг ҳаракатлари фақат

---

<sup>32</sup> А.П.Анисимов “Инсон ва фуқаронинг соғлом атроф-мухитга бўлган ҳукуки” <http://lawdiss.narod.ru/oglav/0220.htm>.

бошқаларнинг манфаатлари доираси ва унинг ҳаракатларининг қонунийлиги билан чегараланади.

4. Даъво қилиш ҳуқуқи. Бу давлат ёки ҳокимият органлари орқали давлат мажбурлаш чораларини қўллаш, ўз манфаатларини судда ҳимоя қилиш имкониятидир. Бундай ҳолда, атроф-муҳитнинг бузилиши (хуқуқнинг бузилиши) фактини тасдиқлаш керак. Экологик ҳуқуқлар субъектга қараб таснифланади (умумий ва маҳсус субъектларга мансублиги). Ваколатлардан ташқари, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ мазмунининг ажralmas қисми кўриб чиқилаётган ҳуқуқнинг обьектлари ва субъектлари ҳисобланади.

Инсоннинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқида қўйидаги ҳуқуқ обьектлари ажратилади: инсон саломатлиги, соғлом атроф-муҳит, атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

Соғлом атроф-муҳит ҳақида гапиргандা, инсоннинг экологик (физиологик), иқтисодий, эстетик ва бошқа эҳтиёжларини қондира оладиган шароитлар тушунилади<sup>33</sup>. Ушбу обьектнинг талабларга мувофиқлигини аниқлаш учун атроф-муҳит ҳолатини, унинг инсон саломатлиги ва ҳаётига таъсирини баҳолаш мезонлари қўлланилади.

Соғлом атроф-муҳит даражаси унинг ҳолатининг мезонларини (кўрсаткичларини) аниқлаш имконини беради. Табиий муҳит ҳолатининг кўрсаткичлари унга салбий физиковий, кимёвий ва биологик таъсиrlар даражасини, ифлосланиш даражасини тавсифлайди. Бундай кўрсаткичлар табиий ресурсларнинг тугаш даражасини, биологик хилма-хилликни сақлашни ва бошқаларни акс эттиради. Улар хўжалик ва бошқа фаолият турларини амалга ошириш билан боғлиқ экологик талаблардир.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқнинг яна бир обьекти инсон саломатлигидир. Унинг асосий вазифаси соғлом ва қулай яшаш муҳитига, ахолининг яшashi, меҳнати ва дам олиши учун экологик шароитга инсон ва

---

<sup>33</sup> М.М.Бринчук “Атроф-муҳит ҳуқуқи: дарслик”, 2010 й., 23 б. <https://refdb.ru/look/2113340-pall.html>.

фуқаро ҳукуқларининг реал кафолатларини таъминлашдан иборат. Инсон ҳаёти ва саломатлиги атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг, барча экологик қонунларнинг асосий мақсадидир<sup>34</sup>.

Кўриб чиқилаётган ҳукуқнинг кейинги таркибий қисми ҳаққоний маълумотларга эга бўлиш ҳукуқидир. Ахборот - бу атроф-муҳит ҳолатини билишнинг ягона йўли. Бу кўз билан илғагунга ҳамда табиатнинг ўзига ҳам, инсон соғлиғига ҳам зарар етказилгунга қадар носоғлом атроф-муҳит юзага келганда қандай чоралар кўриш кераклигини тушунишга имкон беради.

Охирги элемент, агар бу содир бўлса, заарни қоплаш ҳукуқидир. Бу фуқаролар ва ташкилотларга ўз соғлиғи ва мулкини тиклаш имконини беради (ташкилотларда фақат мулк). Бундан ташқари, бу тўхтатиб турувчи чорадир, чунки заарни айнан уни келтириб чиқарган қоплайди. Бу турли корхоналар ёки шахсларни ўз фаолиятига эътиборлироқ бўлишига мажбурлаши керак.

Муайян давлат худудида яшовчи ёки вақтинча бўлган ҳар бир шахс ушбу ҳукуқнинг субъекти ҳисобланади, чунки у “миллий хавфсизлик таъсири соҳасига” киради<sup>35</sup>. Фуқаролар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва маълум шароитларда туғилмаган болалар ҳам соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳукуқ субъектлари сифатида тан олинади. Шунингдек, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳукуқ субъектларига давлат, давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахслар киради, чунки улар ушбу ҳукуқни амалга оширишда бевосита иштилар.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳукуқни амалга ошириш учун объектив ва субъектив томонлар мавжуд. Объектив томони – бу экологик ҳукуқ ва мажбуриятларни таъминлаш учун қонунчилик билан мустаҳкамланганлигидир. Субъектив томони ваколатли шахсларга боғлиқ бўлиб, уларсиз ҳукуқни амалга ошириш мумкин эмас. Ҳукуқни амалга

<sup>34</sup> М.М.Бринчук “Атроф-муҳит ҳукуқи: дарслик”, 2010 й., 23 б. <https://refdb.ru/look/2113340-pall.html>.

<sup>35</sup> М.М.Бринчук “Миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан соғлом атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳукуқ”, Давлат ва ҳукуқ, 2014 йил, 1-сон, <https://naukarus.com/konstitutsionnoe-pravo-na-blagopriyatnuyu-okruzhayuschuyu-sredu-v-svete-natsionalnoy-bezopasnosti>.

оширишнинг асосий субъектив шарти, энг аввало, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ эгасининг хоҳиши иродаси ҳисобланади.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ субъекти ва ушбу ҳуқуқнинг ўзига хос субъекти каби тушунчаларни ва шунга мос равишда ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва унинг амалга оширилиши, яъни ҳимоя қилинишини фарқлаш керак.

Қонун ҳар бир шахс учун ушбу ҳуқуқни тан олиш учун асосдир. Бироқ, соғлом атроф-муҳитга нисбатан ўзига хос субъектив ҳуқуқнинг пайдо бўлиши учун битта қонун етарли эмас. Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни доимий равишида амалга оширилади<sup>36</sup> деб таърифлаш мумкин бўлсада, бу ҳуқуқ субъекти томонидан ҳуқуқ нормаси ва муайян субъектнинг субъектив ҳуқуқларини боғлайдиган тегишли ҳаракатлар амалга оширилиши керак, яъни муайян юридик фактлар содир бўлиши керак.

Шундай қилиб, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ бошқа ҳуқуқлар билан бир хил элементлардан иборат: фойдаланиш ҳуқуқи, талаб қилиш ҳуқуқи, ҳаракат қилиш ҳуқуқи ва даъво қилиш ҳуқуқи. Ҳар қандай ҳуқуқ каби, кўриб чиқилаётган ҳуқуқнинг ҳам ўз обьектлари ва субъектлари мавжуд. Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқнинг асосий субъекти шахс бўлиб, асосий обьекти эса инсон саломатлиги ҳисобланади. Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш бу ҳуқуқни амалга оширишнинг асосий шаклидир, гарчи бошқа шакллар ҳам мавжуд бўлсада.

---

<sup>36</sup> С.М.Габиева, Х.М.Қурбоналиева “Шахс ва фуқаронинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқининг моҳияти ва мазмуни масаласи тўғрисида”, Қонун ва ҳуқуқ, 2015 йил, 6-сон. <https://naukarus.com/k-voprosu-o-suschnosti-i-soderzhanii-prava-cheloveka-i-grazhdanina-na-blagopriyatnyuu-okruzhayuschuyu-sredu-v-rossiyskoy>.

**П БОБ. СӨГЛОМ АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛГАН ИНСОН  
ХУҚУҚЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҶАРО  
ВА МИЛЛИЙ ХУҚУҚ НОРМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ  
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР.**

**2.1. Соғлом атроф-муҳитга бўлган инсон хуқуқулари бўйича  
халҷаро ва миллий хуқуқ нормаларининг қиёсий таҳлили.**

Бугунги кунга келиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган кўплаб халҷаро ҳужжатлар мавжуд. Ушбу боб давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мажбуриятини ўз ичига олган асосий ҳужжатларни таҳлил қилишга қаратилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилгандек, бу соҳадаги хуқуқ ижодкорлиги 1972 йилда Стокгольмда ўтказилган БМТ конференциясидан бошлаб фаоллашди<sup>37</sup>. Учрашув якуни бўйича БМТ Конференциясининг атроф-муҳит бўйича декларацияси қабул қилинди. Ушбу Декларациянинг 21-тамойили давлатларнинг “ўз юрисдикцияси ёки назоратидаги ҳудудда олиб борилаётган фаолият бошқа давлатлар ёки миллий юрисдикция доирасидан ташқаридаги ҳудудларнинг атроф-муҳитига зарар етказмаслигини таъминлаш” масъулиятини белгилаб беради<sup>38</sup>. Ушбу тамойил халҷаро одат ҳуқуқининг бир қисми бўлиб, кўплаб бошқа ҳужжатларда ҳам белгиланган, аммо уни амалда қўллаш учун етарли даражада шакллантирилмаган.

Худди шу йили БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (UNEP) ишлаб чиқилди, унинг мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халҷаро ҳамкорликни таъминлаш эди. ЮНЕПнинг асосий вазифалари ва мақсади Бош Ассамблеянинг 1972 йил 15 декабрдаги 2997 (XXVII)

<sup>37</sup> И.А.Цверианашвили 1972 йилдаги Стокгольм конференцияси ва унинг халҷаро экологик ҳамкорликни ривожлантиришдаги роли // Нижний Новгород университети ахборотномаси. 2016 йил - 1-сон. – 89 бет.

<sup>38</sup> БМТнинг Атроф-муҳит бўйича Конференцияси декларацияси // БМТ [веб-сайт] URL: [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/declarathenv.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declarathenv.shtml).

резолюцияси билан белгиланди<sup>39</sup> ва кейинчалик 1997 йилги Найроби декларациясида қайта тикланди<sup>40</sup>.

Шундай қилиб, Найроби декларациясига кўра, БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастурининг экологияни ҳимоя қилиш бўйича етакчи орган сифатидаги роли глобал экологик кун тартибини белгилаш ва глобал атроф-муҳит манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат<sup>41</sup>. Шу билан бирга, матнда қайта-қайта “ҳаракат қилиш” зарурлиги таъкидланади ва жаҳон ҳамжамиятини ривожлантиришнинг тўртта устувор йўналиши ажратилади: “энергия самарадорлиги ва қайта тикланадиган энергия ресурслари”, “бутун дунё бўйлаб экологик тоза технологиялар”, “сув ресурслари соҳасидаги глобал ҳаракатлар” ва “стандарт маълумотлар ва комплекс баҳолаш”<sup>42</sup>.

Бироқ, кўриб чиқилаётган қоидаларнинг моҳиятини декларатив сифатида баҳолаш мумкин, чунки жамият эришиши керак бўлган идеал мақсадларини эълон қилган ҳолда, бу қоидаларда “қулай ва соғлом атроф-муҳит” атамаси нимани англатишини ва уни таъминлаш учун қандай аниқ усуллар мавжудлиги каби универсал мезонларни очиб бермаган.

Атроф-муҳитга таъсир қилиш воситаларидан ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида 1976 йилда тузилган Женева конвенцияси иштирокчи-давлатларга “ҳар қандай бошқа иштирокчи-давлатни атроф-муҳитни вайрон қилиш ёки заарар етказишга қаратилган кенг миёсли, узоқ муддатли ёки жиддий оқибатларга олиб келувчи воситалардан ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадларда фойдаланишга мурожаат қиласли” (1-модда) мажбуриятини юклайди<sup>43</sup>. Олдинги хужжатлардан фарқли ўлароқ, Конвенциянинг 2-моддаси “табиий

<sup>39</sup> Бош Ассамблеяниң 1972 йил 15 декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик бўйича ташкилий-молиявий чора-тадбирлар” қарори. A/RES/2997 (XXVII).// БМТ [веб-сайт]. - URL: <https://undocs.org/ru/A/S-19/5>.

<sup>40</sup> БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастурининг роли ва мандати тўғрисидаги Найроби декларацияси, 1997 йил 7 февраль. // БМТ [веб-сайт] A/C-19/5. URL: <https://undocs.org/ru/A/S-19/5>.

<sup>41</sup> Шу жойда.

<sup>42</sup> Шу жойда, 33-36 бандлар.

<sup>43</sup> 1976 йил 10 декабрдаги Атроф-муҳитга таъсир қилиш воситаларидан ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция // БМТ [веб-сайт]. - URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/hostenv.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/hostenv.shtml).

атроф-мухитга таъсир қилиш воситалари” атамасини очиб беради, аммо Девид Р. Бойднинг фикрига кўра, ушбу қоидани амалда қўллаш учун ҳам “кенг миқёсли, узоқ муддатли ёки жиддий оқибатлар” тушунчаларини таърифлаб беришни талаб қиласди.

1982 йилдаги Бутунжаҳон табиат хартияси “Инсон ўз ҳаракатлари ёки ушбу ҳаракатлар оқибатида табиатни ўзгартириши ва унинг ресурсларини бутунлай тугатиши мумкинлиги, шунинг учун табиат ва табиий ресурсларнинг мувозанати ва сифатини сақлаш зарурлигини тўлиқ англаши керак” лигини таъкидлаб, атмосфера, қуруқлик ва дengiz ресурсларининг кейинги фаолияти ва унумдорлигини сақлашни таъминлашга қаратилган табиатни муҳофаза қилиш тамойиллари мажмуини белгилаб берди<sup>44</sup>.

Шуниси эътиборга лойиқки, баҳоловчи тушунчалар (масалан, “зараарли таъсир”, “тиклаб бўлмайдиган зарап”, “ортиб бораётган хавф” ва б.) билан биргаликда, белгиланган тамойилларнинг мазмуни очиб берилган. Шундай қилиб, хартияда: “Ердаги ҳаётнинг генетик асоси хавф остида қолмаслиги керак; ёввойи ёки хонакилаштирилган ҳаётнинг ҳар қандай шаклдаги популяцияси ҳеч бўлмаганда унинг омон қолишини таъминлаш учун етарли даражада сақланиши керак; бунинг учун зарур бўлган яшаш муҳитини сақлаш керак”<sup>45</sup>. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётнинг ҳар қандай шакли ҳеч бўлмаганда у ёки бу яшаш муҳитида мавжуд бўлиши мумкин бўлса, хавфсиз деб ҳисобланади.

1983 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тузилган Атроф-мухит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссиянинг 1987 йилги “Бизнинг умумий келажагимиз” номли ҳисботида биринчи маротаба барқарор ривожланиш концепциясини таклиф қилди, унга кўра ҳозирги авлод келажак авлодларни ўз эҳтиёжларини қондириш учун худди шундай тарзда фойдаланиш

---

<sup>44</sup> Бош Ассамблеянинг 1982 йил 28 октябрдаги “Бутунжаҳон табиат хартияси” қарори. A/PESC/37/7 // БМТ [веб-сайт] URL: <https://undocs.org/A/RES/37/7>.

<sup>45</sup> Шу жода, 2-банд.

имкониятидан махрум қилмаслик учун табиий ресурслардан чекланган ҳолда фойдаланиши керак<sup>46</sup>.

1985 йилдаги Озон қатламини ҳимоя қилиш түғрисидаги Вена конвенцияси ҳамда ушбу конвенция аосида 1987 йилда қабул қилинган Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколи тадқиқот ва кузатишлар (биринчи навбатда, илмий характерга эга бўлган) орқали “одам саломатлиги ва атроф-мухитни озон қатламининг ҳолатини ўзгартирувчи ёки ўзгартириши мумкин бўлган инсон фаолияти натижасида юзага келадиган салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш”га қаратилган (2-модда)<sup>47</sup>.

Монреал протоколи иштирокчи-давлатларни озон қатламининг ҳолатига таъсир қилувчи айрим моддаларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг ҳисобланган даражасини назорат қилишга мажбур қиласди (2-модда)<sup>48</sup>. Шу билан бирга, протоколда жуда аниқ тоифалар қўлланилади, хусусан, даврий ва қайта кўриб чиқилиши керак бўлган озонни емириш хусусиятига эга бўлган назорат қилинадиган моддалар қайд қилинган<sup>49</sup>.

1991 йилда Эспо шаҳрида (Финляндия) Трансчегаравий контекстда атроф-мухитга таъсирни баҳолаш түғрисидаги конвенция имзоланди, унга кўра ваколатли орган рухсатини талаб қиласиган фаолиятни амалга оширишни режалаштираётган томон бундай фаолиятнинг у ёки бу томоннинг юрисдикциясида бўлган атроф-мухитга “шу жумладан, инсон саломатлиги ва хавфсизлигига, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, тупроқ, ҳаво, сув, иқлим, ландшафт, тарихий обидалар ва бошқа моддий объектларга таъсирини ёки бу омиллар ўртасидаги муносабатни баҳолашга мажбурдир;

---

<sup>46</sup> Атроф-мухит ва ривожланиш бўйича Бутунжаҳон комиссиясининг “Бизнинг умумий келажагимиз” маъruzаси: Бош Ассамблеяниң 1987 йил 4 августдаги карорига илова. A/42/427 // БМТ [веб-сайт]. - URL: <https://undocs.org/ru/A/42/427>.

<sup>47</sup> 1985 йил 22 марта Озон қатламини ҳимоя қилиш түғрисидаги Вена конвенцияси // БМТ [веб-сайт]. - URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/ozone.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/ozone.shtml).

<sup>48</sup> 1987 йил 16 сентябрдаги Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколи // БМТ [веб-сайт]. - URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/montreal\\_prot.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/montreal_prot.shtml)

<sup>49</sup> Шу жода, А-илова.

ушбу омилларнинг ўзгариши натижасида маданий мерос ёки ижтимоий-иктисодий шароитларга таъсирини ҳам ўз ичига олади;” (1-модда)<sup>50</sup>.

Кўриб чиқилаётган Конвенцияда матн асосан ўзига хос бўлиб, масалан, атроф-муҳитга жиддий трансчегаравий салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолият турларини (I илова), атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича хужжатларнинг батафсил мазмунини (II илова), I иловага киритилмаган фаолият турларининг экологик аҳамиятини аниқлашга ёрдам берадиган умумий мезонларни (III-илова) белгилайди<sup>51</sup>.

1992 йилдаги Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга кўра, давлатлар “ўзининг ёки назорати остидаги юрисдикцияси доирасидаги фаолият бошқа давлатлар ёки миллий юрисдиксиядан ташқаридаги ҳудудларнинг атроф-муҳитига зарар етказмаслигини таъминлаш учун жавобгардир” (3-модда)<sup>52</sup>.

1992 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган БМТ конференциясида қабул қилинган Атроф-муҳит ва ривожланиш тўғрисидаги декларацияда экологик ҳуқуқнинг асосий тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, улар орасида одамларга ғамхўрлик қилиш ва табиат билан уйғунликда соғлом турмуш тарзини таъминлаш асосий ўрин тутади<sup>53</sup>.

Декларация, шунингдек, БМТ Устави қоидалари ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига таянган ҳолда, давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш мажбуриятига эътибор қаратади<sup>54</sup>. Шу билан бирга, Декларацияда тамойилларнинг мазмуни очиб берилмаган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги яна бир муҳим халқаро ҳужжат 1992 йилда БМТ конференциясида ишлаб чиқилган “XXI аср кун

<sup>50</sup> 1991 йил 25 февралдаги Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенция. // БМТ [веб-сайт] - URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/env\\_assessment.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/env_assessment.shtml)

<sup>51</sup> Шу жойда.

<sup>52</sup> 1992 йилдаги Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция. // БМТ [веб-сайт] - URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/biodiv.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/biodiv.shtml)

<sup>53</sup> Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро декларацияси (БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси томонидан 1992 йил 3-14 июняда қабул қилинган). // БМТ [веб-сайт] URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/riodecl.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/riodecl.shtml)

<sup>54</sup> Шу жойда.

тартиби” дастури бўлиб, унинг асосий мақсадларидан бири “Тараққиёт ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш”, шунингдек инсон хукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ривожланишнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий омилларини ўзаро уйғунлаштириш деб белгиланган<sup>55</sup>.

Кейинги йилларда Рио-де-Жанейрода БМТ конференциялари бир неча бор ўтказилди. Жумладан, 2012 йилда бўлиб ўтган “Рио+20” саммити натижалари бўйича БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича конференциясида “Биз истаган келажак” хужжати қабул қилинди, унда экологик, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш учун халқаро ҳамкорлик зарурлиги ва ҳар бир давлатнинг масъулияти яна бир бор таъкидланди<sup>56</sup>. 2015 йилда Нью-Йоркда бўлиб ўтган саммит якунида Бош Ассамблея резолюцияси қабул қилинди, унда 2030 йилгача сайёрани барқарор ривожланиш нуқтаи назаридан ўзгартириш бўйича ҳаракатлар режаси белгиланди<sup>57</sup>.

Шунингдек, 1998 йилда Орхусда (Дания) қабул қилинган Атроф-муҳит масалалари бўйича ахборотдан фойдаланиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва одил судловдан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияга ҳам эътибор қаратиш лозим<sup>58</sup>. Ушбу хужжатнинг аҳамиятига ортиқча эътибор қаратмаслик зарур, сабаби аҳолини атроф-муҳит тўғрисида ҳаққоний маълумотлар билан таъминлаш инсоннинг асосий ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг зарурий элементидир.

<sup>55</sup> “XXI аср кун тартиби” (БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси томонидан қабул қилинган, Рио-де-Жанейро, 1992 йил 3-14 июн). // БМТ [веб-сайт] URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/agenda21.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/agenda21.shtml).

<sup>56</sup> 2012 йил 19 июнданаги “Рио+20” Барқарор ривожланиш бўйича БМТ конференциясининг “Биз истаган келажак” якуний хужжати. A/CONF.216/L.1\* // United Nations PaperSmart [веб-сайт]. - URL: <https://rio20.un.org/papersmart>.

<sup>57</sup> Бош Ассамблеянинг 2015 йил 1 сентябрдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Саммитининг 2015 йилдан кейинги ривожланиш кун тартибини қабул қилиш бўйича якуний хужжати лойиҳаси” резолюцияси. A/RES/69/315 // БМТ [веб-сайт]. - URL: [https://www.un.org/ga/search/view\\_doc.asp?symbol=A/69/L.85&Lang=R](https://www.un.org/ga/search/view_doc.asp?symbol=A/69/L.85&Lang=R)

<sup>58</sup> 1998 йил 25 июнданаги Атроф-муҳит масалалари бўйича ахборотдан фойдаланиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва одил судловдан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция (Орхус конвенцияси) // БМТ [веб-сайт]. - URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/orhus.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orhus.shtml).

Бундан ташқари, 1992 йилда қабул қилинган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси, 1997 йилдаги БМТнинг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенциясига доир Киото Баённомаси ва 2015 йилги Париж битими ҳам эътиборга молик.

Ушбу ҳужжатларнинг барчаси иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига, хусусан атмосферада иссиқхона газларининг кўпайиши билан боғлик муаммоларга қарши курашишга қаратилган. БМТнинг Ҳадли конвенцияси “умумий, аммо табақалаштирилган масъулият” тамойилини мустаҳкамлади, яъни умумий мақсадга эга бўлган давлатлар, биринчи навбатда, миллий даражадаги иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича тегишли сиёsat олиб боришлари ва чоралар кўришлари керак (3-модда)<sup>59</sup>.

Киото Баённомасига биноан давлатлар атмосферага иссиқхона газлари ажратмаларини 2012 йилгача камайтириш мажбуриятини олдилар<sup>60</sup>. Баённома давлатларни ривожланаётган ва ривожланган давлатларга ажратиб, охиргиларга ажратмаларни чеклаш ёки камайтириш бўйича қатъий миқдорий мажбуриятларни юклади.

Париж битими ҳам Конвенцияни амалга оширишни кучайтириш мақсадида тузилган. Ушбу Битим давлатларнинг ўз иссиқхона газлари ажратмалари даражасини назорат қилиш ва глобал ўртacha ҳароратнинг 1,5 °C дан ортиқ ошишига ҳисса қўшмаслик мажбуриятини белгилайди (2-модда ва 4-модданинг 17-банди)<sup>61</sup>. Киото Баённомаси каби Париж битими ҳам ривожланган мамлакатларнинг умумий мақсадга эришишда катта масъулиятини таъкидлайди, аммо Киото Баённомасидан фарқли ўлароқ, у иссиқхона газлари ажратмаларини белгилашни ўз ихтиёрига

<sup>59</sup> БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги 1992 йил 9 майдаги Ҳадли конвенцияси. // БМТ [веб-сайт]. - URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/climate\\_framework\\_conv.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/climate_framework_conv.shtml).

<sup>60</sup> БМТнинг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенциясига доир 1997 йил 11 декабрдаги Киото Баённомаси. // БМТ [веб-сайт]. - URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/climate\\_framework\\_conv.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/climate_framework_conv.shtml).

<sup>61</sup> 2015 йил 12 декабрдаги Париж битими. // United Nations Framework Convention on Climate Change [веб-сайт]. - URL: <https://unfccc.int/process-and-meetings/the-paris-agreement/the-paris-agreement>.

қолдириб, мамлакатлар эришиши керак бўлган аниқ кўрсаткичларни белгиламайди<sup>62</sup>.

2016 йилда Рио-де-Жанейрода Табиат ва табиий ресурларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Атроф-муҳитга оид ҳуқуқ-тартибот тўғрисидаги Бутунжаҳон декларацияси қабул қилинган бўлиб, у Ерда “антропоген стресс” мавжудлигини таъкидлайди, табиат ҳолати ва одамларнинг ҳаёти сифати ўртасидаги боғлиқликни тан олади ҳамда келажак авлодлар учун ресурсларни сақлаб қолиш учун атроф-муҳит ҳуқуки соҳасида фаол ҳамкорликка чақиради.

Декларация нафақат “ҳар бир инсон, ҳам ҳозир яшаб турган, ҳам келажак авлод ҳавфсиз, тоза, соғлом ва барқарор атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқига эга” лигини таъкидлайди, балки ҳар бир давлат, жамоат ва хусусий ташкилот, шунингдек фуқароларни “табиатнинг қулай ҳолатини, жамият учун аҳамиятлилигидан қатъи назар, ҳимоя қилиш ва сақлаш, ундан фойдаланиш ва эксплуатация қилишни чеклаш” мажбуриятини белгилайди<sup>63</sup>. Шу билан бирга, Декларациядаги тамойилларнинг моҳияти очиб берилмаган.

Иқлим ўзгариши шароитида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги юқорида келтирилган халқаро ҳужжатларнинг таҳлили куйидаги оралиқ хulosалар чиқаришга имкон беради:

- қайд қилинган ҳужжатларда давлатларнинг мажбурияти декларатив характерга эга бўлиб, бу унинг амалда бажарилишига тўсқинлик қиласи (ушбу мажбуриятнинг аникроқ шакллантирилиши муайян мамлакат аҳолисининг ҳуқуqlарини самарали ҳимоя қиласи);

- қўриб чиқилаётган ҳужжатларнинг аксарияти “юмшоқ ҳуқуқ” (“soft law”) тоифасига киради, яъни маслаҳат характерига эга ва бажарилиши

<sup>62</sup> 2015 йил 12 декабрдаги Париж битими. // United Nations Framework Convention on Climate Change [веб-сайт]. - URL: <https://unfccc.int/process-and-meetings/the-paris-agreement/the-paris-agreement>.

<sup>63</sup> Табиат ва табиий ресурларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Атроф-муҳитга оид ҳуқуқ-тартибот тўғрисидаги Бутунжаҳон декларацияси (Рио-де-Жанейрода 2016 йил 26-29 апрелда бўлиб ўтган Атроф-муҳит ҳуқуки бўйича Жаҳон Конгресси томонидан қабул қилинган). // International Union for Conservation of Nature [веб-сайт]. - URL: <https://www.iucn.org/commissions/world-commission-environmental-law/wcel-resources/environmental-rule-law>.

ихтиёрийдир. Бироқ, Девид Р. Бойднинг фикрича, бу факт давлатларнинг мажбуриятларини аниқроқ мазмунда ифодалаш учун ҳамда инсон хуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда уларнинг қоидалариға ҳавола қилиш имкониятига таъсир қилмайди. Сабаби, “юмшоқ хуқуқ” меъёрлари мослашувчан восита бўлиб, жорий илмий маълумотларни, шунингдек замонавий жамиятнинг ривожланиш йўналишларини акс эттиради ва кейинчалик “қаттиқ” хусусиятга эга бўлиши мумкин. Кейинги параграфда ушбу позицияни тасдиқловчи суд амалиёти муҳокама қилинади.

Девид Р. Бойд атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган халқаро шартномалар асосида тузилган 2019 йилги ҳисоботида соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқнинг мазмунини очиб берди ва унинг асосий элементларини кўрсатди: “хавфсиз иқлим, тоза ҳаво, тоза сув ва зарур санитария шароитлари, соғлом ва барқарор озиқ-овқат, яшаш, ишлаш, уқиш ва ўйнаш учун токсик бўлмаган муҳит, шунингдек соғлом биологик хилмадарлик ва экотизимлар”<sup>64</sup>.

Девид Р. Бойд қулай ва соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқнинг моҳиятини очиб бериб, ушбу хуқуқнинг ҳам конституциявий, ҳам экологик бўлган ҳуқуқ табиатининг икки томонлама хусусиятини инобатга олади.

Ўзбекистон қонунчилигини кўриб чиқадиган бўлсак, фуқароларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқларини таъминлаш масаласи “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган бўлиб, “Табиатни муҳофаза қилиш мақсадлариға эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек айrim шахслар хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан ҳавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида

---

<sup>64</sup> Boyd, D. (2019). Safe Climate: A Report of the Special Rapporteur on Human Rights and the Environment. A/74/161. // UN Special Rapporteur to Human Rights and the Environment [веб-сайт]. - URL: <http://srenvironment.org/report/a-safe-climate-human-rights-and-climate-change>.

ғамхўрлик қилиш; фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табий мухитга эга бўлиш ҳукукини таъминлаш қоидаларига амал қилишлари керак”лиги белгиланган (4-модда)<sup>65</sup>.

Махсус маърузачининг 2019 йилдаги “Хавфсиз, тоза, соғлом ва барқарор атроф-мухитдан фойдаланиш билан боғлиқ инсон ҳукуқларини таъминлаш бўйича мажбуриятлар масаласи” маърузасида айrim минтақавий халқаро ҳужжатлар соғлом атроф-мухитга бўлган ҳукукни тан олиши қайд этилган<sup>66</sup>.

Буларга, масалан 1988 йилдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқларга оид инсон ҳукуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясининг Сан-Сальвадор протоколи<sup>67</sup>, етарли турмуш даражасига эга бўлиш ҳукуки таркибида соғлом атроф-мухитга бўлган ҳукуқ масаласи ёритилган 2004 йилдаги инсон ҳукуқлари бўйича Араб Хартияси (38-модда)<sup>68</sup>, 2012 йилги Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН) нинг Инсон ҳукуқлари декларацияси (28-банднинг “F” кичик банди)<sup>69</sup> ва бошқалар. Ҳисоботга кўра, “Атроф-мухитга бўлган ҳукуқ бевосита назарда тутилган юридик кучга эга халқаро шартномаларнинг иштирокчилари жами 124 та давлатдир”<sup>70</sup>.

Миллий қонунчилик нормалари таҳлилига кўра, 100 дан ортиқ давлатлар ўз конституцияларига қулай ва соғлом атроф-мухит ҳукукини киритганлиги аниқланган<sup>71</sup>.

---

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 09.12.1992 йил, 754-ХII-сон. [веб-сайт] // <https://lex.uz/docs/107115>

<sup>66</sup> Boyd, D. (2019). Issue of human rights obligations relating to the enjoyment of a safe, clean, healthy and sustainable environment. A/HRC/40/55. - URL: <https://undocs.org/en/a/hrc/40/55>.

<sup>67</sup> Additional protocol to the American Convention on Human Rights in the area of economic, social and cultural rights «Protocol of San Salvador» // The Organization of American States [веб-сайт]. - URL: <http://www.oas.org/juridico/english/treaties/a-52.html>.

<sup>68</sup> Arab Charter on Human Rights 2004 // University of Minnesota Human Rights Library [вебсайт]. - URL: <http://hrlibrary.umn.edu/institute/loas2005.html?msource=UNWDEC19001&tr=y&auid=3337655>.

<sup>69</sup> 2012 йилдаги Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциациясининг Инсон ҳукуқлари декларацияси. // РФ юридик портали. Пашков кутубхонаси. // [веб-сайт]. - URL: <https://constitutions.ru/?p=8333>.

<sup>70</sup> Boyd, D. (2019). Issue of human rights obligations relating to the enjoyment of a safe, clean, healthy and sustainable environment. A/HRC/40/55. // БМТ [веб-сайт]. - URL: <https://undocs.org/en/a/hrc/40/55>.

<sup>71</sup> Шу жода.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига, фуқароларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга оид нормалар қайд қилинган бўлсада, “атроф-муҳит”, “қулай атроф-муҳит”, “соғлом атроф-муҳит”, “соғлом ва қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ” тушунчалари ҳамда ушбу ҳуқуқни таъминлаш борасидаги кафолатлар ёритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг белгиланган 6 та бурчлардан бири бу - “атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш”дир (50-модда)<sup>72</sup>. Бироқ, соғлом ва қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ ҳамда уни таъминлашдаги кафотлар масаласи, юқорида айтиб ўтилганидек, очиқлигича қолмоқда.

Масалан, Россия Федерацияси Конституциясининг 42-моддасига биноан, “ҳар ким қулай атроф-муҳит, унинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумот олиш ва экологик ҳуқуқбузарлик туфайли соғлиғи ёки мулкига етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқига эга”<sup>73</sup>. Россия Федерациисининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолиятининг айрим масалаларини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 14 мартағи №1-ФҚЗ қонуни билан Конституциясида киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Россия Федерацияси Ҳукумати “аҳоли ҳаёти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хўжалик ва бошқа фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, мамлакатнинг ноёб табиий ва биологик хилма-хиллигини сақлаш, жамиятда ҳайвонларга нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантиришга қаратилган чоратадбирларни амалга оширади” (1-модда 35-банд “з” кичик банди)<sup>74</sup>.

Ушбу қоида бир қатор ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек Россия Федерацииси Конституциясининг муқаддимасида ўз ақсини топган

---

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596>.

<sup>73</sup> Россия Федерацииси Конституцияси (1993 йил 12 декабр) // <https://constitutionrf.ru/rzd-1/gl-2/st-42-krf>.

<sup>74</sup> Россия Федерациисининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолиятининг айрим масалаларини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 14 мартағи №1-ФҚЗ қонуни // [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_346019/3d0cac60971a511280cbba229d9b6329c07731f7](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_346019/3d0cac60971a511280cbba229d9b6329c07731f7).

авлодлар масъулияти концепцияси билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги авлод келажак авлодлар учун қулай шароитларни таъминлашга даъват этилади.

Жумладан, ЮНЕСКОнинг “Хозирги авлодларнинг келажак авлодлар олдиаги масъулияти тўғрисида” 1997 йилдаги декларациясида шундай дейилган: “Келажак авлодлар Ер экотизимларининг бойликларидан баҳраманд бўлишларини таъминлаш учун ҳозирги авлодлар барқарор ривожланишга интилиши ва яшаш шароитларини, айниқса атроф-муҳит сифати ва яхлитлигини ҳимоя қилиши керак” (5-модда)<sup>75</sup>. Хусусан, ҳозирги авлодлар томонидан “келажак авлодлар саломатлиги ёки уларнинг мавжудлигига хавф туғдирувчи” атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, “инсон ҳаёти ва ривожланиши учун зарур бўлган” табиий ресурслар сақлаб қолинишини таъминлаш ҳамда йирик лойиҳаларни амалга оширишда барча содир бўлиши мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олиш зарурлигига ургу берилади<sup>76</sup>.

Бошқа мамлакатларнинг миллий қонунчилиги таҳлилига қайтадиган бўлсак, Коста-Рика Конституциясининг 50-моддасида соғлом ва экологик жиҳатдан мувозанатли атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ва етказилган заарни қоплаш ҳуқуқи назарда тутилиб, давлатнинг ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилишни таъминлаш мажбурияти белгиланган<sup>77</sup>.

Фиджи Конституциясида шундай дейилган: “Ҳар бир инсон тоза ва соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуққа эга бўлиб, у қонунчилик ва бошқа чора-тадбирлар орқали ҳозирги ва келажак авлодлар манфаати учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади” (40-модда 1-банд)<sup>78</sup>.

---

<sup>75</sup> Ҳозирги авлодларнинг келажак авлодлар олдиаги масъулияти тўғрисидаги декларация (БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси (ЮНЕСКО) томонидан 1997 йил 12 ноябрда қабул қилинган) // United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization [сайт]. - URL: [https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000110220\\_rus.page=97](https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000110220_rus.page=97).

<sup>76</sup> Шу жойда.

<sup>77</sup> Costa Rica's Constitution of 1949 with Amendments through 2015 // Constitute - URL:[https://constituteproject.org/constitution/Costa\\_Rica\\_2015?lang=en](https://constituteproject.org/constitution/Costa_Rica_2015?lang=en).

<sup>78</sup> Fiji's Constitution of 2013// URL: [https://constituteproject.org/constitution/Fiji\\_2013?lang=en](https://constituteproject.org/constitution/Fiji_2013?lang=en).

Швейцария конституциясида атроф-мухитни муҳофаза қилишга бағишенгандан алоҳида бўлим мавжуд. Хусусан, Конституциянинг 74-моддасида фуқароларнинг зарарли таъсирлардан холи атроф-мухитга эга бўлиш ҳуқуқи ва бу ҳуқуқни таъминлаш давлатнинг мажбурияти эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган<sup>79</sup>.

Нидерландия ўз Конституциясида атроф-мухитни сақлаш ва яхшилашга ғамхўрлик қилиш мажбуриятини белгилайди (21-модда)<sup>80</sup>. Мазкур конституциявий қоиданинг амалда татбиқ этилишига кейинроқ тўхталиб ўтилади.

Испания Конституциясининг 45-моддасида шундай дейилган: “1. Ҳар бир инсон шахсий ривожланиши учун атроф-мухитдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ва у бу мухитни ҳимоя қилишга мажбурдир. 2. Давлат органлари зарур жамоавий бирдамликка таянган ҳолда ҳаёт сифатини муҳофаза қилиш ва яхшилаш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадида барча табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан назорат олиб борадилар”<sup>81</sup>.

Португалия ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида табиат ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни сақлашни белгилайди (9-модданинг “е” банди), шунингдек соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқни ҳамда фуқаролар ва давлатнинг барқарор ривожланиш шароитида ушбу атроф-мухитни муҳофаза қилиш мажбуриятини белгилайди (66-модда)<sup>82</sup>.

Туркия Конституциясининг 56-моддасида ҳар кимнинг “соғлом мувозанатли атроф-мухитда яшаш” ҳуқуқи, шунингдек давлат ва

<sup>79</sup> Switzerland's Constitution of 1999 with Amendments through 2014 // Constitute. – URL: [https://constitutionproject.org/constitution/Switzerland\\_2014?lang=en](https://constitutionproject.org/constitution/Switzerland_2014?lang=en).

<sup>80</sup> Нидерландия Қироллигининг 1983 йил 17 февралдаги Конституцияси // Дунё давлатларининг (мамлакатларининг) конституциялари // URL: <http://worldconstitutions.ru/?p=143>.

<sup>81</sup> Испания Қироллиги Конституцияси, 27.12.1978 й. // Дунё давлатларининг (мамлакатларининг) конституциялари // URL: <http://worldconstitutions.ru/?p=149>.

<sup>82</sup> Португалия Республикаси Конституцияси, 02.04.1976 й. // Дунё давлатларининг (мамлакатларининг) конституциялари // URL: <https://worldconstitutions.ru/?p=141>.

фуқароларининг табиий мухит мусаффолигини яхшилаш ва унинг ифлосланишининг олдини олиш мажбурияти кўрсатилган<sup>83</sup>.

Бразилия Конституцияси давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ифлосланишига қарши қурашиш мажбуриятини белгилайди (23-модда)<sup>84</sup>.

Ушбу ҳукуқни ўз Конституцияларида аниқ белгиламаган 12 та давлатда (Бангладеш, Эстония, Гватемала, Хиндистон, Ироил, Италия, Малайзия, Нигерия, Покистон, Шри-Ланка, Танзания ва Уругвай) олий ва конституциявий судлар соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳукуқни яшаш ҳукуқининг бир қисми сифатида кўриб чиқилиши лозимлиги ва шунинг учун юридик кучга эгалиги ва конституциявий ҳимоядалиги тўғрисида қарор қабул қилганлар<sup>85</sup>.

Таъкидлаб ўтиш зарурки, миллий қонунчилигимизда соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳукуқнинг тан олиниши ва унинг ҳимоя қилинишининг кафолатланиши мустаҳкамкамланмаган. Тадқиқотни давомида миллий қонунчиликдаги норматив-ҳукуқий ҳужжатлар таҳлил қилинганда, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун номидан сўнг ва қоидалар бошланишидан аввал қўйидагилар қайд қилинган: “Ушбу Қонун табиий мухит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишининг ҳукуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айrim обьектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф мухитга эга бўлиш ҳукуқини кафолатлашдан иборатдир”<sup>86</sup>. Демак, Конституцияда фуқароларнинг соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳукуки айнан белгиланмаган бўлсада, ушбу ҳукуқни

<sup>83</sup> Туркия Республикаси Конституцияси, 07.11.1982 й. // Дунё давлатларининг (мамлакатларининг) конституциялари // URL: <https://worldconstitutions.ru/?p=84>.

<sup>84</sup> Бразилия Конституцияси, 05.10.1988 й. // Дунё давлатларининг (мамлакатларининг) конституциялари // URL: <https://worldconstitutions.ru/?p=563>.

<sup>85</sup> Boyd, D. The implicit constitutional right to a healthy environment // Review of European Community and International Environmental Law. – 2011. - Vol. 20. - № 2. - PP. 171–179.

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 09.12.1992 йил, 754-XII-сон. [веб-сайт] // <https://lex.uz/docs/107115>

кафолатлашга қаратилган қонун хужжатлари мавжудлигидан далолатдир.

Ушбу фикр, БМТнинг маърузачиси 100 дан ортиқ давлатлар соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни ўзларининг миллий экологик қонунчилигига киритганлигини таъкидлашлиги<sup>87</sup> билан ҳам тасдиқланади.

Инсоннинг қулай ва соғлоим атроф-муҳитга бўлган ҳуқуки муҳимлиги кенг эътироф этилишига қарамай, бу ҳуқук халқаро миқёсда фақат 2021 йил октябрь бошида Женевада бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 48-сессиясида “хавфсиз, тоза, соғлом ва барқарор атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни инсоннинг барча ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш учун зарур бўлган инсон ҳуқуки сифатида” тан олинди<sup>88</sup>.

Шунга қарамасдан, инсоннинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуки 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция ва бошқаларда ўз аксин топмаган. Девид Р. Бойднинг фикрича, бу факт замонавий халқаро ҳуқуқнинг муҳим камчилиги ҳисобланади, чунки бу билан атроф-муҳит ҳолатининг аҳамияти йўқолади. Табиат жамият томонидан инсон ҳаётини таъминлаш учун мўлжалланган битмас-туганмас ресурслар манбаи сифатида қабул қилинади, шунинг учун у фақат инсоннинг ҳаёт, соғлиқ, шахсий ҳаёт ва бошқа ҳуқуқлари доирасида кўриб чиқилади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаси томонидан одамларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ажралмас ҳуқуки деб тан олиниши жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини экологик муаммоларга қаратади ва нафақат одамларнинг, балки бошқа тирик мавжудотларнинг, экотизимларнинг ҳам мавжудлиги ва ривожланишини таъминловчи табиатни мустақил ҳуқуқ субекти сифатида эътироф этишга хизмат қиласи.

---

<sup>87</sup> Boyd, D. (2019). Issue of human rights obligations relating to the enjoyment of a safe, clean, healthy and sustainable environment. A/HRC/40/55. // БМТ [веб-сайт]. - URL: <https://undocs.org/en/a/hrc/40/55>.

<sup>88</sup> БМТ Бош Ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 2021 йил 13 сентябр - 8 октябрда бўлиб ўтган 48-сессия, Кун тартибининг 3-банди // БМТ [веб-сайт]. URL: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/LTD/G21/270/17/PDF/G2127017.pdf?OpenElement>.

Масалан, 2010 йилда Боливия БМТга Ернинг тирик организм сифатида хуқуқларини тан олишни ва ифлосланишдан холи шароитларда баркамол ҳаётга бўлган хуқуқини, шунингдек ўз биопотенциалини тиклаш хуқуқини ҳимоя қилишни таклиф қилди<sup>89</sup>. Ҳозиргача бу таклиф амалга оширилмаган, бироқ Девид Р. Бойднинг фикрича хуқуқнинг ушбу энг янги соҳаси салоҳиятга эга. Яъни, соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши нафақат суд амалиётини ривожлантириш ва инсон хуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, балки келажакда сайёрамиз хуқуқларини нафақат инсон хуқуқлари призмаси орқали, балки мустақил ва алоҳида ҳимояга лойиқ деб тан олиш имкониятини беради.

2019 йил ҳолатига жами 155 та давлат шартномалар, конституция ва қонун хужжатларига мувофиқ соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни хурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва бажариш бўйича хуқуқий мажбуриятни тан олди<sup>90</sup>. Шу билан бирга, универсал, ўзига хос ва амалда амалга оширилиши мумкин бўлган умумий ижобий мажбурият йўқ.

## **2.2. Давлатларнинг ўз ахолиси олдида соғлом атроф-муҳитни таъминлаш бўйича умумий ижобий мажбурияти.**

Сўнгги беш йил давомида турли давлатларнинг суд амалиётида аризачилар ўз давлатларидан мавжудлиги инкор этилмасдан, аксинча илмий жамоалар томонидан очик ва кенг муҳокама қилинаётган иқлим ўзгаришига қарши фаол ҳаракатларни талаб қилиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Фаоллар ўзларининг асосий хуқуқлари - яшаш, эркинлик, соғлик, мулк ҳуқуқи ва бошқаларни ҳимоя қилиш учун суд тизимиға мурожаат қилишади. Шуниси эътиборга лойиқки, 2021 йилга қадар соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ халқаро миқёсда тан олинмагунига қадар, ариза берувчилар ушбу ҳуқуқ бузилаётганлиги юзасидан тўғридан-тўғри ҳавола

<sup>89</sup> Она Ер хуқуқларини ҳисобга олиш ва тан олиш зарурлиги бўйича тадқиқотлар. БМТнинг Иктисадий ва Ижтимоий Кенгаши. Е/C.19/2010/4 // БМТ [веб-сайт]. - URL: [https://search.un.org/results.php?query=E/C.19/2010/4&lang=en&tplfilter=documents&tpl=dist\\_search](https://search.un.org/results.php?query=E/C.19/2010/4&lang=en&tplfilter=documents&tpl=dist_search).

<sup>90</sup> Boyd, D. (2019). Issue of human rights obligations relating to the enjoyment of a safe, clean, healthy and sustainable environment. A/HRC/40/55. // БМТ [веб-сайт]. - URL: <https://undocs.org/en/a/hrc/40/55>.

қила олмаганлар, гарчи низо предмети кўпинча биринчи навбатда, давлатларнинг ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизлиги туфайли ёмонлашуви инсоннинг бошқа асосий хукуқларининг бузилишига олиб келадиган атроф-муҳит бўлса ҳам.

Энди, АҚШ, Покистон ва Нидерландия олий судлари томонидан чиқарилган аввал амалиётда учрамаган суд қарорларининг таҳлилига тўхталиб ўтсак.

2015 йилда даъвогар Келси Юлиана (Kelsey Juliana) бошчилигидаги 8 ёшдан 19 ёшгача бўлган бир груп америкалик ёшлар Орегон (АҚШ) округ судига АҚШ хукуматига қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, штатдан иқлим ўзгаришига қарши фаол чоралар кўришни талаб қилди<sup>91</sup>.

Хусусан, “Юлиана АҚШга қарши” (Juliana v. United States) иши бўйича даъвогарлар уларнинг ҳаёт, эркинлик ва мулкка бўлган хукуқларини, шунингдек келажак авлодларнинг шунга ўхшаш хукуқларини поймол қилаётган атмосферага карбонат ангидрид гази ажратмаларини камайтиришни ҳамда Ернинг энергия балансини самарали тиклаш бўйича миллий режани ишлаб чиқишини талаб қилдилар.

Суд процесси ўтаётган бир вақтда АҚШ иқлимининг тез ўзгариши ва қазилма ёқилғиларни ёқишининг ўта салбий таъсиридан хабардорлигини таъкидлаб, даъвогарлар АҚШ ҳудудида иқлим тизимининг бекарорлашуви муаммосига жавобгарлар томонидан Қўшма штатлар Кодекси, АҚШ Конституцияси ва жамоатчилик ишончи доктринаси бўйича ўз мажбуриятларини бузишда ифодаланган очиқчасига бефарқ муносабатда бўлаётганлигига ишора қилдилар.

Миллий экология сиёсатига бағишлиланган АҚШ Кодексининг 55-бобининг қоидаларига кўра, хукумат ҳозирги ва келажак авлодлар учун муносиб ҳаётни таъминлайдиган экологик дастурни амалга ошириши

---

<sup>91</sup> Juliana v. United States (2015). Complaint: 08/12/2015. // Climate Change Litigation Databases [сайт]. - URL: <http://climatecasechart.com/case/juliana-v-united-states/?cn-reloaded=1>.

шарт<sup>92</sup>. Кодексда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун давлатнинг жавобгарлиги ҳам кўзда тутилган<sup>93</sup>.

Ариза берувчилар ўз даъволарини қўллаб-қувватлаш учун АҚШ Конституциясига Бешинчи тузатишга таяндилаар, яъни унда “хеч ким қонуний асосларсиз ва тегишли қонуний жараёнсиз ҳаёти, эркинлиги ва мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас”<sup>94</sup>.

АҚШ Конституциясига киритилган Тўққизинчи тузатишда ҳам шундай дейилган: “Конституциядаги айрим хукуқларни санаб ўтиш одамларга тегишли бўлган бошқа хукуқларни рад этиш ёки чеклаш сифатида талқин қилинмаслиги керак”<sup>95</sup>. Шундай қилиб, даъвогарларнинг фикрича, соғлом атроф-муҳитга бўлган хукуқ, гарчи АҚШ Конституциясида мустаҳкамланмаган бўлсада, давлат томонидан инсоннинг фундаментал хукуқлари билан бир қаторда ҳимоя қилиниши керак.

Шу билан бирга, АҚШ иқлим ўзгаришини юмшатиш борасида нафақат фаол чоралар кўрмаслиги, балки вазиятни янада ёмон тарафга ўзgartираётганлиги сабабли, даъвогарлар АҚШ жамоатчилик ишончи доктринаси бўйича давлатнинг умумий фойдаланиш учун табиий ресурсларнинг сақланишини таъминлашни<sup>96</sup> назарда тутувчи мажбуриятларини бузганига ҳам ҳавола қилишган.

Мурожаатчиларнинг фикрича, давлат қазиб олинадиган ёқилғиларни қазиб олиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, импорт ва экспорт қилиш соҳасида фаол сиёsat юритиш орқали Ер атмосферасига карбонат ангидрид

<sup>92</sup> The Code of Laws of the United States of America. § 4331(b)(1). // Legal Information Institute URL: <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/42/4331>.

<sup>93</sup> The Code of Laws of the United States of America. § 9607 (f)(1). // Legal Information Institute URL: <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/42/9607>.

<sup>94</sup> АҚШ Конституциясига киритилган тузатишлар (1798 - 1971). // АҚШ ҳакида маълумот // URL: <https://state-usa.com/usa-constitution/215-popravki-k-konstitutssi-ssha#p5>.

<sup>95</sup> АҚШ Конституциясига киритилган тузатишлар (1798 - 1971). // АҚШ ҳакида маълумот // URL: <https://state-usa.com/usa-constitution/215-popravki-k-konstitutssi-ssha#p9>.

<sup>96</sup> Torres, G., Bellinger, N. The Public Trust: The Law's DNA (2014). // Cornell Law Faculty Publications // URL: <https://scholarship.law.cornell.edu/facpub/1213>.

умумий ҳажмининг 25,5 фоиздан ортиғини чиқариб<sup>97</sup>, юқорида келтирилган қоидаларни бузмоқда ва оқибатда иқлим ўзгаришининг инсониятга ҳалокатли оқибатларини яқинлаштирумокда.

Бугунги қунга келиб, “Юлиана АҚШга қарши” иши бўйича суд жараёни давом этмоқда ва бу ҳуқуқшунослар ўртасида турли муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Масалан, судья Энн Эйкен (Ann Aiken) 2016 йил 10 ноябрдаги ишни тугатишни рад этиш тўғрисидаги қарорида “инсон ҳаётини қўллаб-қувватлашга қодир иқлим тизимиға бўлган ҳуқуқ эркин ва тартибли жамият учун асосийдир”<sup>98</sup> деб таъкидлади ва бу билан даъвогарларнинг даъволари асослилигини тасдиқлади.

Атроф-муҳит ҳуқуқи соҳасидаги яна бир муҳим қарор 2018 йилда Лахор (Покистон) Олий суди томонидан “Легари Покистонга қарши” (Leghari v. Federation of Pakistan) иши бўйича қабул қилинган қарордир<sup>99</sup>.

2015 йилда фермер, Покистон фуқароси Ашгар Легари (Asghar Leghari) Иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан 2012 йилда қабул қилинган иқлим ўзгариши бўйича миллий сиёsat ва Иқлим ўзгариши бўйича сиёsatни амалга ошириш асослари (2014-2030 йиллар) бўйича Покистон ҳукуматининг ҳаракатсизлигига қарши чиқиб, жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилган<sup>100</sup>.

Даъвогар ҳукумат ушбу сиёsatни амалга оширмаслиги Покистоннинг сув, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши ва унинг конституциявий ҳуқуқлари: соглом ва тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ ва инсон қадр-қимматига бўлган ҳуқуқни<sup>101</sup> (Покистон Конституциясининг 14-моддаси) ўз ичига олган яшаш ҳуқуқи<sup>102</sup> (9-модда) поймол этилаётганлигини таъкидлади. Даъвогар, шунингдек барқарор

<sup>97</sup> Juliana v. United States (2015). First amended complaint: 09/10/2015. // Climate Change Litigation Databases // URL: <http://climatecaselaw.com/case/juliana-v-united-states/?cn-reloaded=1>.

<sup>98</sup> Шу жойда.

<sup>99</sup> Leghari v. Federation of Pakistan (2015). // Climate Change Litigation Databases // URL: <http://climatecaselaw.com/non-us-case/ashgar-leghari-v-federation-of-pakistan>.

<sup>100</sup> Шу жойда.

<sup>101</sup> Pakistan's Constitution of 1973, Reinstated in 2002, with Amendments through 2018 // Constitute // URL: [https://constitutionproject.org/constitution/Pakistan\\_2018?lang=en](https://constitutionproject.org/constitution/Pakistan_2018?lang=en).

<sup>102</sup> Шу жойда.

ривожланишнинг халқаро экологик тамойиллари, эҳтиётлик тамойили, авлодлараро адолат доктринаси ҳамда юқорида қайд этилган асосий хуқуқларнинг бир қисми бўлган жамоатчилик ишончи доктринаси ҳам давлат томонидан бузилаётганини билдириди<sup>103</sup>.

Суд қарорида Покистон бутундунё глобал иссиқхона газлари ажратмасига унча катта бўлмаган ҳисса қўшаётганлиги, лекин иқлим ўзгаришига энг заиф давлатлар қаторига кириб, унинг салбий таъсирига мослашиб учун жуда кам техник ва молиявий имкониятларга эгалиги қайд этилган<sup>104</sup>.

Шундай қилиб, Покистоннинг Иқлим ўзгариши вазирлиги, “фақат тегишли мослашув чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали, мамлакатнинг сув, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек табиий оғатларнинг инсон ҳаёти, саломатлиги ва мулкига таъсирини минималлаштириш мумкинлигини” ҳисобга олган ҳолда, бу позицияни Иқлим ўзгариши бўйича Миллий сиёсатида (2012) акс эттирган<sup>105</sup>.

2015 йилда суд жавобгарлар томонидан белгиланган дастурни амалга ошириш учун ҳеч қандай чоралар кўрилмаганлигини аниқлаб, 2012 йилги Миллий сиёsat ва уни амалга оширишнинг 2014-2030-йилларга мўлжалланган асослари самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида вазирликлар, идоралар, давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек иқлим ўзгариши соҳасидаги техник эксперталардан иборат Иқлим ўзгариши бўйича комиссия тузишга қарор қилди<sup>106</sup>. Комиссиянинг ташкил этилиши “Покистон иқлим ўзгариши тўғрисида 2017 йилги қонун”нинг қабул қилинишига, Покистоннинг иқлим ўзгариши бўйича бошқармасининг ташкил этилишига

---

<sup>103</sup> Leghari v. Federation of Pakistan (2015). Decision: 04/04/2015. § 7. // Climate Change Litigation Databases // URL: <http://climatecaselaw.com/non-us-case/ashgar-leghari-v-federation-of-pakistan>.

<sup>104</sup> Шу жойда.

<sup>105</sup> Leghari v. Federation of Pakistan (2015). Judgement: 01/25/2018. § 4. // Climate Change Litigation Databases // URL: <http://climatecaselaw.com/non-us-case/ashgar-leghari-v-federation-of-pakistan>.

<sup>106</sup> Leghari v. Federation of Pakistan (2015). Decision: 04/04/2015. § 8. // Climate Change Litigation Databases // URL: <http://climatecaselaw.com/non-us-case/ashgar-leghari-v-federation-of-pakistan>.

ва Иқлим ўзгариши бўйича миллий сиёсатни амалга ошириш асослари (2014-2030) доирасидаги устувор тадбирларнинг 66 фоизга муваффақиятли амалга оширилишига олиб келди<sup>107</sup>.

Мақсадига эришиш муносабати билан, Иқлим ўзгариши бўйича комиссия суд томонидан 2018 йилги қарор билан тугатилган ва бир вақтнинг ўзида сиёсатнинг келгусида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Покистон ҳукумати ва муассасаларига ёрдам беришга мўлжалланган Иқлим ўзгариши бўйича доимий комиссия тузилган<sup>108</sup>.

Замонавий жаҳон суд амалиёти учун 2015 йилда Гаага туман суди томонидан “Ургенда” фонди Нидерландияга қарши” (Urgenda Foundation v. The State of the Netherlands) иши бўйича қабул қилинган қарор катта аҳамиятга эга бўлиб, бу қарор кейинчалик 2018 йилда апелляция суди ва 2019 йилда кассация суди инстанцияларида ўз кучида қолдирилди<sup>109</sup>. Фуқаролар ўзларининг фаол ҳаракатлари билан биринчи марта давлатга иқлиминг хавфли ўзгаришларини олдини олиш мажбуриятини юклашга ва шу орқали одамларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек асосий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга муваффақ бўлишди.

“Ургенда” фонди иқлим ўзгаришининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқаётган ташкилот сифатида, 886 нафар Нидерландия фуқаролари номидан Инфратузилма ва атроф-муҳит вазирлиги кўринишида Нидерландия давлатига қарши даъво билан чиқди.

Жавобгар Нидерландия давлат аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Нидерландияни хавфсиз ва яшашга яроқли мамлакат сифатида ривожлантириш мақсадида соғлом ва хавфсиз яшаш муҳитини таъминлаш, табиий ресурсларни сақлаш учун (бошқа нарсалар қаторида) масъулдир.

---

<sup>107</sup> Leghari v. Federation of Pakistan (2015). Judgment: 01/25/2018. § 19. // Climate Change Litigation Databases // URL: <http://climatecasechart.com/non-us-case/ashgar-leghari-v-federation-of-pakistan>.

<sup>108</sup> Шу жойда.

<sup>109</sup> Urgenda Foundation v. The State of the Netherlands (2015). // Urgenda // URL: <https://www.urgenda.nl/en/themas/climate-case>.

Низонинг моҳияти шундан иборат эдики, даъвогарнинг фикрига кўра, Нидерландия БМТнинг 1992 йилдаги Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси, 1997 йилдаги Киото Баённомаси ва 2015 йилдаги Париж битими каби халқаро шартномаларнинг иштирокчиси бўла туриб, 1990 йилдаги кўрсаткичга нисбатан атмосферага карбонат ангидрид чиқиндиларини 2020 йилга бориб 25-40 фоизга, 2030 йилга бориб 40 фоизга ва охир оқибат 2050 йилга келиб 80-95 фоизга камайтириш мажбуриятини олган ва унинг меъёрларини бузган<sup>110</sup>.

“Ургенда” жамғармаси давлатнинг ҳаракатларида ҳукуматнинг Нидерландия фуқароларини Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 2 ва 8-моддаларида назарда тутилган фуқароларнинг яшаш ҳамда шахсий ва оиласвий ҳаётни ҳурмат қилиш ҳуқуқларига таъсир қилувчи иқлим ўзгариши билан юзага келган ва яқинлашиб келаётган хавфдан ҳимоя қилиш мажбуриятини бузганлигини кўрди.

Даъвогар, шунингдек давлат томонидан Нидерландия Фуқаролик Кодексида мустаҳкамланган ноқонуний хатти-ҳаракат учун зарарни қоплаш тамойилининг<sup>111</sup> ҳамда Нидерландия Конституциясининг 21-моддасида белгиланган муносиб турмуш даражасини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш мажбуриятининг<sup>112</sup> бузилишига ишора қилди.

Гаага суди Нидерландия фуқароларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш мажбуриятини бузган деб қарор қилди. Суд ушбу қарорни халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари уйғунлиги асосида қабул қилди.

Шундай қилиб, суд давлатнинг соғлом атроф-муҳитни таъминлаш мажбуриятини, хусусан яшаш ҳуқуқи (Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясининг 2-моддаси)<sup>113</sup>, шахсий ва оиласвий ҳаётни ҳурмат

<sup>110</sup> Urgenda Foundation v. The State of the Netherlands (2015). // Judgment of 24 June 2015. § 4.66. // URL: <https://www.urgenda.nl/en/themas/climate-case>.

<sup>111</sup> Шу жойда.

<sup>112</sup> Нидерландия Қироллигининг 1983 йил 17 февралдаги Конституцияси // Дунё давлатларининг (мамлакатларининг) конституциялари // URL: <http://worldconstitutions.ru/?p=143>.

<sup>113</sup> Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (04.11.1950 йилда Римда тузилган, 13.05.2004 йилдаги таҳирда, “Баённома №1” билан бирга, 20.03.1952 йилда

қилиш хуқуқи (Инсон хуқуқлари тұғрисидаги Европа конвенциясининг 8-моддаси)<sup>114</sup> ҳамда давлатнинг муносиб турмуш даражасини таъминлашга қаратылған конституцияйый бурч (Голландия Конституциясининг 21-моддаси)<sup>115</sup> ларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобға олган ҳолда Нидерландия томонидан атмосферага иссиқхона газлари ажратмаларини камайтириш бўйича фаол чоралар кўриши лозимлигини белгилаб берди.

“Ургенда” фонди Нидерландияга қарши” олдинги иши бўйича суд томонидан қўлланилган методологияга амал қилған ҳамда илмий далилларга асосланган ва Девид Р. Бойднинг илгари айтиб ўтилган ҳисботида<sup>116</sup> акс эттирилган соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқнинг мазмунини ҳисобға олган ҳолда, давлатларнинг умумий ижобий бурчининг қўйидаги таҳририни таклиф қилиш мумкин:

“Ҳар бир давлат иқлим ўзгариши оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга қаратылған самарали миллий сиёсатни ишлаб чиқиши ва фаол чора-тадбирларни амалга ошириши шарт. Хусусан, давлатлар аҳолига асосий инсон хуқуқларини амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатадиган ва қўйидаги мезонларга жавоб берадиган атроф-муҳитни таъминлаши шарт: тоза ҳаво, тоза сув, тегишли санитария шароитлари, соғлом ва барқарор озиқ-овқат, соғлом биологик хилма-хиллик ва экотизимлар. Санаб ўтилган мезонлардан ҳеч бўлмаганды биттаси бузилган тақдирда ёки давлатнинг ҳаракатсизлиги оқибатида фуқароларга заарар етказилган ёки заарар етказишнинг реал таҳиди мавжуд бўлган тақдирда илмий органлар ва ташкилотларнинг тегишли баҳосига асосан давлат етказилган заарнинг ўрнини қоплаши шарт”.

---

Парижда имзоланган), “Конвенцияга киритилган хуқуқ ва эркинликларга қўшимча равища баъзи хуқуқ ва эркинликларни таъминлаш тұғрисидаги №4 Баённома ва унга биринчи Протокол” (16.09.1963 йилда Страсбургда имзоланган), “Баённома №7” (22.11.1984 йилда Страсбургда имзоланган) // СПС Консультант Плюс.

<sup>114</sup> Шу жойда.

<sup>115</sup> Нидерландия Қироллигининг 1983 йил 17 февралдаги Конституцияси // Дунё давлатларининг (мамлакатларининг) конституциялари // URL: <http://worldconstitutions.ru/?p=143>.

<sup>116</sup> Boyd, D. (2019). Safe Climate: A Report of the Special Rapporteur on Human Rights and the Environment. A/74/161.

Мазкур таҳрир асосий эътиборини давлатларнинг ўз юрисдикцияси остидаги атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича ўз дастурларини ишлаб чиқиш бўйича умумий, аммо табақалаштирилган мажбуриятларига қаратилган бўлиб, бу БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси, БМТ Устави ҳамда халқаро ҳуқук тамойилларига мос келади.

Девид Р. Бойд, шунингдек иқлим ўзгаришига қарши курашишнинг технологик усулларини доимий такомиллаштириш ва бу соҳада янги ижодий ечимларни излаш зарурлигини назарда тутувчи “фаол чоратадбирлар” тушунчасини ҳам қайд этади.

“Инсоннинг асосий ҳуқуқларидан фойдаланишга ижобий таъсир” деганда яшаш ҳуқуқи, шахсий ва оиласвий ҳаётга бўлган ҳуқуқ, соғлиқ ҳуқуқи, муносиб турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи (шу жумладан озиқовқатга, сув ва санитарияга бўлган ҳуқуқ) ва бошқа шу каби асосий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва доимий такомиллаштириш назарда тутилади.

Атроф-мухит жавоб бериши керак бўлган таклиф этилаётган мезонлар соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқдан келиб чиқади ва баҳолаш усулига қарамай, улар минимал халқаро стандартларга жавоб бериши керак.

Ушбу мажбурият бузилган тақдирда, шу жумладан ҳаракатсизлик туфайли, давлат фуқароларга ҳақиқатда етказилган зарарни ва (ёки) давлатнинг кейинги ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида ҳақиқатда етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

Бундай зарарнинг (зарар етказиш таҳдидининг) мавжудлиги факти ва баҳоланиши ҳар бир алоҳида ҳолатда зарур билимга эга бўлган ихтисослашган органлар ва ташкилотлар томонидан тасдиқланади ва баҳоланади.

**ШАБОДДИК СОҒЛОМ АТРОФ-МУҲИТИНИ  
ТАЪМИНЛАШ МАЖБУРИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ.**

**3.1. Давлатларнинг умумий мажбуриятини халқаро ҳуқуқий даражада амалга ошириш билан боғлиқ оқибатлар ва юзага келиши мумкин бўлган муаммолар таҳлили.**

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни халқаро-ҳуқуқий даражада тан олиш, шунингдек ушбу ҳуқуқни таъминлаш бўйича таҳрири аввалги бобда кўрсатилган давлатларнинг умумий ижобий мажбуриятларини белгилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида халқаро ҳуқуқни янада ривожлантириш учун зарур.

Таклиф этилаётган ўзгартиришлар фуқароларга давлат томонидан соғлом атроф-муҳитни таъминлаш мажбурияти бевосита бузилганлигига ҳавола қилган ҳолда, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш имконини беради.

Бу ўз навбатида, суд жараёнини соддалаштиради, чунки исботлашда давлат томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқлари (яшаш, соғлик, эркинлик, мулк ҳуқуқи ва бошқалар) бузилиши фактини аниқлашдан иборат бўлмасдан, балки давлатнинг ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизлиги билан ҳақиқатда етказилган ва (ёки) ҳақиқатда етказилиши мумкин бўлган зарар ўртасидаги сабабий боғланишни ўрнатишга қаратилади.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш лозимки, бундай ўзгариш жаҳон ҳамжамиятини экологик муаммоларга, иқлим ўзгаришига эътиборини оширади. Хусусан, инсон аралашуви билан табиатда содир этилаётган салбий ўзгаришлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини яхшироқ тушуниш, шунингдек атроф-муҳит ахволига мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида эътибор беришга ундейди.

Шу билан бирга, ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалда тадбиқ этиш билан боғлиқ бир қатор юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни инобатга олиш лозим. Хусусан, қуйидаги мумкин бўлган муаммоларга тўхталиб ўтсак:

- 1) давлатнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва зарар ўртасидаги сабабий боғлиқликни исботлашнинг мураккаблиги;
- 2) давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлаш учун халқаро ҳужжатни танлаш;
- 3) давлатларнинг миллий суверенитети тўқнашуви ва глобал даражада ҳаракат қилиш зарурати;
- 4) ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили бузилиши.

Биринчидан, аввал айтиб ўтилганидек, Девид Р. Бойд соғлом атроф-муҳитган бўлган ҳуқуқ ва уни таъминлаш билан боғлиқ давлат мажбуриятларининг халқаро даражада мустаҳкамланишини суд жараёнларини соддалаштириш нуқтаи назаридан ижобий ўзгариш сифатида баҳолайди. Хусусан, даъвогарлар низо предметига нисбатан маҳсус қоидага ҳавола қилишлари ва судга давлатнинг ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизлиги билан ҳақиқатда етказилган ва (ёки) ҳақиқатда етказилиши мумкин бўлган зарар ўртасидаги сабабий боғлиқликни баҳолаш учун далилларни тақдим этиш осонлашади.

Шу билан бирга, фуқароларга зарар етказиш, шу жумладан бундай зарар етказиш хавфи мавжудлиги факти ва давлатнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу зарарнинг келиб чиқиши билан бевосита боғлиқлигини исботлаш жараёнининг мураккаблиги инкор этилмайди. Чунки атроф-муҳитнинг хусусиятларини ва ундан ҳам кўпроқ унинг бузилиши оқибатида инсонга етказилган зарарни аниқ белгиланган ўлчов бирликларида баҳолаш муаммолидир.

Ушбу муаммонинг ечими давлатнинг ривожланиш даражасига ва ушбу давлат ҳудудидаги атроф-муҳитнинг ҳозирги ҳолатига ҳамда ихтисослаштирилган илмий органлар ва ташкилотлар томонидан зарарни

баҳолашдан фойдаланилишига қараб ҳар бир мамлакатнинг “соғлом” атроф-мухит учун ўз кўрсаткичларини белгилаш эркинлигини назарда тутувчи давлатларнинг мажбуриятини шакллантиришда ётади.

Масалан, Россия Федерациясининг “Атроф-мухитни муҳофаза қилиш тўғрисида” 10.01.2002 йилдаги 7-ФЗ-сонли Федерал қонунининг 77-моддаси 3-бандига кўра, “юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан атроф-мухитга етказилган зарар белгиланган тартибда тасдиқланган ставкаларга ёки атроф-мухитга етказилган зарар миқдорини ҳисоблаш усусларига мувофиқ, агар улар бўлмаса атроф-мухитнинг бузилган ҳолатини тиклаш бўйича ҳақиқий харажатлардан келиб чиқсан ҳолда, етказилган йўқотишларни, шу жумладан бой берилган фойдани ҳисобга олган ҳолда қопланади”<sup>117</sup>. Шундай қилиб, Россия Федерацияси атроф-мухитга етказилган зарарни баҳолашнинг ўз мезонларини ишлаб чиқди ва назарий жиҳатдан келажакда фуқароларга етказилган, шу жумладан етказилиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш учун фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 49-моддаси 1-қисмига мувофиқ “Атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айrim шахслар етказган зарарни, шу жумладан бой берилган фойда ўрнини қонунчиликка мувофиқ қоплашлари шарт”<sup>118</sup>.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, миллий қонунчилигимизда атроф-мухитга етказилган зарарни баҳолашнинг мезонлари ишлаб чиқилмаган ҳамда фуқароларга етказилган ёки етказилиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш тартиб таомиллари мавжуд эмас.

Давлат ижро этувчи органларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) табиий объектнинг (масалан атмосфера ҳавоси) сифат жиҳатидан ёмонлашишига

<sup>117</sup> Россия Федерациясининг 2002 йил 10 январдаги 7-ФЗ-сонли “Атроф-мухитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Федерал қонуни (26.03.2022 йилдаги таҳрирда) <https://fzakon.ru/laws/federalnyy-zakon-ot-10.01.2002-n-7-fz/statya-77>.

<sup>118</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 09.12.1992 йил, 754-ХII-сон. [веб-сайт] // <https://lex.uz/docs/107115>.

олиб келадиган бўлса ва бу ўз навбатида инсонга, унинг соғлиғига ва (ёки) бошқа манфаатларига салбий таъсири кўрсатсагина сабаб-оқибат муносабатлари ўрнатилган деб ҳисобланади.

Шу билан бирга, инсонга антропоген фаолият оқибатида етказилган зарарни табиий оғатлар оқибатида етказилган заардан фарқлаш керак, охиргисида сабаб-оқибат муносабатлари бўлмайди.

Иккинчидан, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ ва давлатларнинг тегишли мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ асосий муаммолардан бири уларни мустаҳкамлаш учун халқаро ҳужжатни танлашдир.

Ҳозирги ва келажак авлодлар учун соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқнинг муҳимлигини инобатга олиб, шунингдек ушбу ҳуқуқнинг 150 дан ортиқ давлатлар томонидан миллий экологик қонунчилик даражасида тан олинганлигини ҳисобга олган ҳолда, бу ҳуқуқ бошқа фундаментал инсон ҳуқуқлари қаторида бугунги кунда 193 та давлат аъзоси бўлган БМТнинг<sup>119</sup> асосий ҳужжатларида мустаҳкамланишига лойиқдир. Бундай халқаро ҳужжатларга, масалан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт киради.

Ўз навбатида, давлатларнинг соғлом атроф-муҳитни таъминлаш бўйича умумий ижобий мажбурияти, Девид Р. Бойднинг фикрича, БМТнинг асосий мақсадлари, жумладан халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат бўлган БМТ Уставида ифодасини топиши мумкин<sup>120</sup>.

Атроф-муҳитнинг бузилиши шароитида инсоният таҳдид остида эканлигини тан олиш керак ва ўз навбатида давлатлар, авваламбор бутун

---

<sup>119</sup> 1945 йилдан бери БМТ аъзолари сонининг ўсиши // БМТ [веб-сайт] // URL: <https://www.un.org/ru/sections/member-states/growth/united-nations-membership-1945-present/index.html>.

<sup>120</sup> БМТ Устави (1945 йил 26 июнда Сан-Францискода қабул қилинган) // БМТ [веб-сайт]. //URL: <https://www.un.org/ru/sections/uncharter/chapter-i/index.html>.

дунёда муносиб экология ҳолатини таъминлаш мажбуриятини олишлари керак.

Лойиҳаси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йилда таклиф этилган Глобал атроф-муҳит пакти<sup>121</sup> қабул қилинган тақдирда, соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқуқ ва тегишли мажбурият, экологик ҳаракатларни амалга оширишнинг асосий тамойилларини белгилаш ва Ернинг табиий мувозанатини фаол ҳимоя қилишга қаратилган глобал хуқуқий базани яратиш орқали халқаро экологик хуқуқдаги бўшлиқларни тўлдириш асосий мақсади бўлган ушбу келишувда мустаҳкамланиши мумкин<sup>122</sup>.

Учинчи потенциал муаммо - бу миллий суверенитет ва глобал миқёсда ҳаракат қилиш зарурати ўртасидаги юзага келиши мумкин бўлган зиддият.

2010 йилда атроф-муҳит ҳуқуқи бўйича мутахассис Марта Торре-Шауб (Marta Torre-Schaub) “Атроф-муҳит ўзининг табиатига кўра трансчегаравий бўлиб, бутун дунё инсониятига тегишли”<sup>123</sup> деб ёзган.

Атроф-муҳит умумий манфаат бўлганлиги сабабли, глобал атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мажбурияти муайян давлатларга босим ўтказадиган вазиятни юзага келтириши мумкин, ва бу билан халқ ҳокимият вакили сифатида бошқа халқлар билан муносабатлар шаклини танлашда сиёсий эркинликка эгалиги тўғрисидаги миллий суверенитет принципи бузилади.

Атроф-муҳит қонунчилигига нисбатан бу тамойил давлатлар “ўзларининг атроф-муҳит ва ривожланиш сиёсатига мувофиқ ўз ресурсларини ривожлантириш учун суверен хуқуққа эгалиги ҳамда уларнинг юрисдикцияси ёки назорати остидаги фаолияти бошқа давлатлар

<sup>121</sup> Бош Ассамблеяниң 2018 йил 10 майдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Бутунжоҳон пактини тузиш тўғрисида”ти қарори А/РЕС/72/277 // БМТ [веб-сайт]. // URL: <https://undocs.org/tu/A/RES/72/277>.

<sup>122</sup> Global Pact for the Environment (Draft project). // International Union for Conservation of Nature [веб-сайт]. - URL: <https://www.iucn.org/commissions/world-commissionenvironmental-law/events-wcel/past-events/global-pact-environment-june-2017>.

<sup>123</sup> Saiger, A.J. (2019). Whose rights? Whose justice? (Second part): An interview with Marta Torre-Schaub on climate liability and climate justice. // Völkerrechtsblog [веб-сайт]. - URL: <https://voelkerrechtsblog.org/whose-rights-whose-justice-second-part>.

ёки миллий юрисдикциясидан ташқаридаги ҳудудларнинг атроф-муҳитига зарар етказмаслигини таъминлаш мажбуриятига эга”лигини англатади<sup>124</sup>.

Можаро, хусусан фаолияти муайян мамлакатнинг турли хусусиятлари туфайли (давлат ҳудудининг катталиги, ахоли зичлиги, иқтисодий ривожланиш ва бошқалар) ўз ҳудудидаги атроф-муҳитга зарар етказмайдиган ёки минимал зарар етказадиган давлатлар, олиб бораётган сиёсати атроф-муҳитнинг бузилишига бевосита таъсир кўрсатадиган давлатларни экологик муаммоларни ҳал қилиш учун масъул деб билишлиги ва ўз навбатида ушбу муаммоларни ҳал қилишда иштирок этишни зарур деб ҳисобламаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бу можаронинг ечими иқлим адолати концепциясида ётади. Шундай қилиб, Марта Торре-Шауб концепциянинг моҳияти “иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган тенгсизликка қарши курашда адолатни излаш”<sup>125</sup> эканлигини таъкидлайди.

Бошқача қилиб айтганда, иқлим адолати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ҳамда давлатлар ичидағи тенгсизликларни (масалан, ахолининг заиф қатлами, маҳаллий, диний ёки маданий озчиликлар) мувозанатлаш ва бу фарқларни бартараф этиш ёки ҳеч бўлмагандан ҳалқаро миқёсда уларга қарши курашиш механизмларини яратиш учун мўлжалланган.

Иқлим адолати тушунчаси Париж битимининг муқаддимасида учрайди, бироқ у ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликдан кўра қўпроқ маҳаллий ҳалқларнинг табиати контекстида кўриб чиқилади<sup>126</sup>. Девид Р. Бойдинг фикрича, аввал айтиб ўтилган Глобал атроф-муҳит тўғрисидаги пактнинг қабул қилиниши иқлим адолатига эришишга ёрдам беради, чунки у иқлим ўзгаришига қарши биргалиқда курашиш ва атроф-муҳитни

<sup>124</sup> С.А.Боголюбов “Россиянинг табиий ресурслари устидан суверенитетини тан олиш ва оқлаш” [веб-сайт]. - URL: <https://lexrussica.msal.ru/jour/article/viewFile/98/99>.

<sup>125</sup> Saiger, A.J. (2019). Whose rights? Whose justice? (Second part): An interview with Marta Torre-Schaub on climate liability and climate justice. // Völkerrechtsblog [веб-сайт]. - URL: <https://voelkerrechtsblog.org/whose-rights-whose-justice-second-part>.

<sup>126</sup> 2015 йил 12 декабрдаги Париж битими. // United Nations Framework Convention on Climate Change [веб-сайт]. - URL: <https://unfccc.int/process-andmeetings/the-paris-agreement/the-paris-agreement>.

мухофаза қилиш контекстида тенгсизликларни бартараф этадиган ёки камайтирадиган универсал экологик тамойилларни ўз ичига олади.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ ва тегишли мажбуриятни амалга ошириш йўлида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан бири сифатида белгилаб қўйилган ҳокимиятлар бўлиниши принципининг бузилиши масаласида Девид Р. Бойд ҳукуқшуносарнинг позициясини қайд этади. Унга кўра, судлар сиёсий масалаларни кўриб чиқиша деярли ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолият соҳасига аралашади.

Хусусан, “Юлиана АҚШга қарши” иши бўйича даъвогарлар низо предмети сиёсий масалалиги сабабли, уни ҳал этиш учун суднинг ваколати йўқлигини таъкидладилар.

Судья Джон Коффин (John Coffin) эътиroz билдирап экан, сиёсий масала доктринаси пайдо бўлган “Бейкер Каррга қарши” (Baker v. Carr, 1962) ишида масаланинг моҳиятини “сиёсий” деб баҳолаш учун олтида омил келтирилганлигини такидлаган, жумладан: (1) давлат Конституцияси билан масалани муайян ижро этувчи органнинг (шу жумладан, ташқи ишлар бўйича ижроия органи ёки ҳарбий орган) ваколатларига юклаш, (2) муаммони ҳал қилиш учун ишлаб чиқилган ҳуқуқий стандартларнинг йўқлиги, (3) масала ҳуқуқий бўлмаган деб таснифланмаганлиги, агар бундай таъриф илгари ижро этувчи орган томонидан берилиши керак бўлса, (4) суднинг ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳоламасдан мустақил қарор қабул қила олмаслиги, (5) қабул қилинган сиёсий қарорга сўзсиз риоя қилиш зарурати ва (6) суд қарори қабул қилиниши натижасида бир масала бўйича турли идоралар ўртасида зиддиятнинг пайдо бўлиши.

“Юлиана АҚШга қарши” ишини кўриб чиқиш давомида судья Коффин қайд этилган омиллар йўқлигини ва шунинг учун баҳс мавзуси сиёсий масала эмаслигини қайд этди.

Хусусан, унинг таъкидлашича, даъвогарлар судга АҚШнинг экологик сиёсати уларнинг асосий ҳуқуқларини бузаётган деб топиш ҳамда уларнинг ва келажак авлодларнинг ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш учун

давлатга атмосферага карбонат ангидрид гази ажратмаларини камайтириш бўйича миллий режани тайёrlаш ва амалга ошириш мажбуриятини юклашни талаб қилган.

Шундай қилиб, суд томонидан ушбу иш бўйича низони ҳал қилишда эътиборни суднинг юрисдикциясига тегишли ва ундан ташқарига чиқмайдиган жавобгарлар томонидан фуқароларнинг конституциявий хукуқлари бузилганлигини аниқлашга қаратилган.

Девид Р. Бойдинг фикрича, иқлим ўзгариши, энергетика сиёсатини амалга ошириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий тартибга солиш масалалари ижро этувчи ҳокимиятларнинг юрисдикциясига берилиши контекстида “сиёсий”дир, бироқ фуқароларнинг хукуқлари бузилган ҳолатларда уларни энди соф сиёсий деб белгилаш мумкин эмас.

Шу билан бирга, суд инсоннинг асосий хукуқларининг бузилиши фактларини аниқлашда, ижро этувчи ҳокимиятларнинг мутлақ ваколатлари доирасига аралашмасдан мустақил ва холис бўлиб турса, ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили бузилмайди.

### **3.2. Ўзбекистон Республикасида соғлом атроф-муҳитга бўлган инсон хукуқларини таъминлаш механизмини такомиллаштириш масалалари.**

Ўзбекистон миллий қонунчилиги таҳлилига қайтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз иқлим ўзгариши ва бошқа экологик муаммоларга қарши қурашишга қаратилган кўплаб халқаро шартнома ва шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Асосий экологик муаммоларни ҳал этиш, жумладан Орол фожиаси оқибатларига қарши қурашиш ва чиқиндилар билан боғлиқ сиёсатни ислоҳ қилиш кейинги йилларда мамлакатимиз сиёсатининг муҳим йўналиши бўлди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ кўплаб халқаро хужжатлар мавжуд. Ўзбекистон уларнинг қайсиларига қўшилганлиги ва

ушбу халқаро хужжатлар орқали Ўзбекистон Республикаси қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олди<sup>127</sup>:

**Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенцияси.** 2001 йил 22 майда қабул қилинган, 2004 йил 17 майда кучга кирган. 2021 йил январь ойи ҳолатига Конвенцияни 184 та давлат<sup>128</sup>, шу жумладан Ўзбекистон 2019 йил 8 майда ратификация қилган.

Конвенция глобал келишув бўлиб, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни одамлар ва ёввойи табиатга таъсир қилувчи атроф-муҳитда топилган ўта заҳарли кимёвий моддалардан ҳимоя қилишга қаратилган.

Конвенция иштирокчилари одамларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (масалан, саратон касаллигини келтириб чиқарадиган ва ақлий қобилиятни камайтирадиган) ва узоқ масофаларга саёҳат қилишлари мумкин бўлган доимий органик ифлослантирувчи моддалар (СОП) микдорини камайтириш мажбуриятини олдилар.

**БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси.** Конвенция 1992 йил 9 майда қабул қилинган ва 1992 йил 4-14 июнь кунлари Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясида имзоланган. 1994 йил 21 марта кучга кирган. 2021 йил октябрь ойи ҳолатига 196 та давлат, шу жумладан Ўзбекистон конвенция иштирокчилари ҳисобланади<sup>129</sup>.

Конвенция иқлим ўзгариши муаммоси бўйича ҳаракат қилишнинг умумий тамойилларини қамраб олади. Ҳужжатнинг мақсади “атмосферада иссиқхона газлари ажратмаларини иқлим тизимиға хавфли антропоген таъсирни олдини оладиган даражада барқарорлаштиришга эришиш” ва шу билан атмосферада глобал ўзгаришларнинг олдини олишдир. Бундан

<sup>127</sup> Ўзбекистон томонидан имзоланган экология ва атроф-муҳит бўйича халқаро шартномалар: рўйхат ва ҳаволалар, 2020 йил 18 август, [https://by.odb-office.eu/razviccio-patencyjaluarhanizacyj\\_innovative-uzbekistan/mezhunarodnye-soglasheniya-po-ekologii-i-okruzhayushchey-srededopisannye-uzbekistanom-spisok-i](https://by.odb-office.eu/razviccio-patencyjaluarhanizacyj_innovative-uzbekistan/mezhunarodnye-soglasheniya-po-ekologii-i-okruzhayushchey-srededopisannye-uzbekistanom-spisok-i).

<sup>128</sup> Доимий органик ифлослантирувчи моддалар бўйича Стокгольм конвенцияси (2001 йил 22 май). [https://www.waste-management.org/tehnologii\\_razrushenija/stokgolmskaja\\_konvencija](https://www.waste-management.org/tehnologii_razrushenija/stokgolmskaja_konvencija).

<sup>129</sup> БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси (1992 йил 9 май). <https://ria.ru/20211031/konventsija-1756840004.html>.

ташқари, “бундай даражага экотизимларнинг иқлим ўзгаришига табиий мослашиши учун етарли вақт оралиғида эришилиши керак, бу озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга хавф туғдирмаслик ва барқарор асосда кейинги иқтисодий ривожланишни таъминлашга имкон бериши лозим”.

Ўзбекистонда, очиқ маълумотларга кўра, сўнгги 100 йилда ўртача йиллик ҳарорат  $0,8\text{--}1,3^{\circ}\text{C}$  га ошган. Бутун минтақада қиши ойларида иқлимининг исиши бошқа фаслларга қараганда кўпроқ кузатилади. Ўзбекистон иқлим ўзгаришига нисбатан ҳимояга муҳтоҷ мамлакатлар тоифасига киради<sup>130</sup>.

**Иқлим ўзгариши бўйича Париж битими.** 2015 йил 12 декабрда қабул қилинган, 2016 йил 22 апрелда 197 та давлат томонидан имзоланиб<sup>131</sup>, 189 та давлат, шу жумладан Ўзбекистон 2018 йил 2 октябрда ратификация қилган.

Битим 2020 йилдан бошлаб атмосферадаги карбонат ангидрид гази ажратмаларини камайтириш чораларини тартибга солади. Шартнома Парижда бўлиб ўтган Иқлим конференциясида Киото Баённомаси ўрнига кенга қамровли мақсадлар ва қатъий нормативларни ўз ичига олган ҳолда тайёрланган.

Битим ривожланган мамлакатларга ривожланаётган мамлакатларга иқлим ўзгаришини юмшатиш ва мослашиш борасидаги саъй-ҳаракатларида ёрдам бериш учун йўл очади, шу билан бирга мамлакатларнинг иқлим мақсадларига эришиши бўйича шаффоф мониторинг ва ҳисбот учун асос яратади.

Битимнинг мақсади – БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенциясини “тадбиқ қилишни фаоллаштириш”, хусусан глобал ўртача ҳарорат қўтарилишини  $2^{\circ}\text{C}$  дан “яхшироқ” ушлаб туреш ва ҳароратнинг  $1,5^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилишини чеклаш учун “саъй-ҳаракатлар қилиш”.

---

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2019 йилдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5863-сон Фармони, <https://lex.uz/search/nat?actnum=5863>.

<sup>131</sup> Иқлим ўзгариши бўйича Париж битими (2015 йил 12 декабрь) <https://www.un.org/ru/climatechange/paris-agreement>.

**Озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича Вена конвенцияси.** 1985 йил 22 марта қабул қилинган, 1988 йил 22 сентябрда кучга кирган<sup>132</sup>. 197 та давлат томонидан ратификация қилинган. Ўзбекистон Республикасида 1993 йил 18 майда кучга кирган.

Озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳаракатлар учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бироқ, конвенция озон қатламининг емирилишига олиб келадиган асосий кимёвий моддалар бўлган хлорфтоглеродлардан фойдаланишни камайтириш бўйича қонуний мажбурий мақсадларни ўз ичига олмайди.

**Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколи.** 1987 йил 16 сентябрда қабул қилинган. Ҳозирги вақтда 197 та давлат протокол иштирокчиси ҳисобланади<sup>133</sup>. Ўзбекистон томонидан 1992 йилда имзоланган.

Озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича 1985 йилдаги Вена конвенциясининг халқаро протоколи, озон қатламини емирувчи айрим кимёвий моддаларни босқичма-босқич йўқ қилиш орқали озон қатламини ҳимоя қилишга мўлжалланган.

**Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция.** 1992 йил 5 июнда Рио-де-Жанейрода қабул қилинган, 1993 йил 29 декабрда кучга кирган<sup>134</sup>. Ҳозирги вақтда 168 та давлат, шу жумладан Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган.

Конвенциянинг мақсадлари биологик хилма-хилликни сақлаш, унинг таркибий қисмларидан барқарор фойдаланиш ва генетик ресурслардан фойдаланишдан келиб чиқадиган манфаатларни адолатли ва тенг тақсимлашдан иборат.

---

<sup>132</sup> Озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича Вена конвенцияси (1985 йил 22 март). [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/ozone.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/ozone.shtml).

<sup>133</sup> Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколи (1987 йил 16 сентябрь). [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/montreal\\_prot.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/montreal_prot.shtml). /[https://www.ecacool.com/zakonodatelstvo/bazovie\\_dokumenti/monrealskii\\_protokol](https://www.ecacool.com/zakonodatelstvo/bazovie_dokumenti/monrealskii_protokol).

<sup>134</sup> Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция тарихи (11.07.2022 й.). <https://www.cbd.int/history>.

**Хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташиш ва йўқ қилиб юбориши устидан назорат қилиш тўғрисидаги Базель Конвенцияси.** 1989 йил 22 марта қабул қилинган, 1992 йил 5 майда кучга кирган<sup>135</sup>. 187 та давлат, шу жумладан Ўзбекистон 1995 йил 22 декабрда ратификация қилган.

Мамлакатлар ўртасида хавфли чиқиндиларнинг ҳаракатини кисқартириш, хусусан хавфли чиқиндиларни ривожланган мамлакатлардан кам ривожланган мамлакатларга ўтказишнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган халқаро шартномадир.

Бироқ, хужжатда радиоактив чиқиндилар ҳаракати кўзда тутилмаган. Конвенция, шунингдек ҳосил бўладиган чиқиндилар микдори ва заҳарлилигини минималлаштиришга, кам ривожланган мамлакатларга хавфли ва бошқа чиқиндиларни экологик жиҳатдан соғлом бошқаришда ёрдам беришга қаратилган.

Маълумки, антропоген фаолият республикада миллиардлаб тонна саноат чиқиндилари, шунингдек қаттиқ майший чиқиндилар тўпланиб қолишига олиб келди, улар кўпинча талабга жавоб бермайдиган полигонларда, отваллар ва шлам сақланадиган омборларда жойлаштирилган.

Кончилик, нефть-газ қазиб чиқариш, кўмир ва кимё саноати корхоналарида саноат чиқиндилари айниқса тез тўпламоқда.

Саноат чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ёки такроран фойдаланиш технологияларининг мавжуд эмаслиги бундай чиқиндилар тўпланишига имконият яратмоқда.

Бундан ташқари, тақиқланган ва яроқсиз ҳолга келган кимёвий моддаларнинг (пестицидлар ва гербицидлар) қолдиқ захираларининг мавжудлиги ҳам жиддий муаммо ҳисобланади.

---

<sup>135</sup> Хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташиш ва йўқ қилиб юбориши устидан назорат қилиш тўғрисидаги Базель Конвенцияси (1989 йил 22 марта) [https://legal.un.org/avl/pdf/ha/bcctmhwd/bcctmhwd\\_ph\\_r.pdf](https://legal.un.org/avl/pdf/ha/bcctmhwd/bcctmhwd_ph_r.pdf).

Республикадаги мавжуд қаттиқ майший чиқиндилар полигонлари санитария ва экология нормалариға жавоб бермайды. Қаттиқ майший чиқиндиларнинг катта қисми бетартиб ва рухсатсиз жойларда түпланмоқда ёки маҳсус воситаларни қўлламасдан ёки юборилмоқда.

Шу сабабли, Базель Конвенцияси саноат ва қаттиқ майший чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ёки такроран фойдаланиш технологияларини ўзлаштиришда халқаро тажриба нуқтаи назардан муҳимдир.

**Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахен протоколи.** 2000 йил 29 январда қабул қилинган, 2003 йил 11 сентябрда кучга кирган<sup>136</sup>. Ўзбекистонда 2019 йил 9 октябрда қабул қилинган.

Бир мамлакатдан бошқасига замонавий биотехнологияни қўллаш натижасида ўзгартирилган тирик организмларнинг ҳаракатини тартибга солувчи халқаро шартнома.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги экотизимлар ҳолатига бевосита боғлиқдир. Ўзининг географик ва иклимати хусусиятларига кўра, айниқса, арид ва тоғ экотизимларининг нозиклиги ва сув ресурсларининг чекланганлиги сабабли Ўзбекистон салбий экологик, шу жумладан трансчегаравий омилларнинг таъсирига дучор бўлмоқда.

Суғорма дехқончиликни экстенсив ривожлантириш йўли, шўр босиш, ботқоқланиш, тупроқ эрозияси, сувларнинг ифлосланиши, дарёлар оқимини тез-тез ўзгартириш, молларни бир яйловда қайта-қайта ўтлатиш, дарахтзорлар ва тўқай ўсимликларини кесиш ҳамда бошқа омиллар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг бир қанча турлари ўсадиган ва яшайдиган жойлар йўқолишига ҳамда уларнинг сони ва ареаллари камайишига олиб қелди.

---

<sup>136</sup> Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахен протоколи (2000 йил 29 январь). <https://bch.cbd.int/protocol/background>.

Айни вақтда ҳайвонот дунёсининг 91 тури Халқаро Қизил китобга, ўсимлик дунёсининг 324 тури ва ҳайвонот дунёсининг 184 тури Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган.

Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияда Конвенция томонларига қуруқлиқдаги қўриқланадиган табиат ҳудудлари улушкини мамлакат жами ҳудудининг 17 фоизигача етказиш тавсия этилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бу кўрсаткич қарийб 5 фоизни ташкил этади.

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ўрмон фонди 11 572,6 минг гектарни ёки мамлакат ҳудудининг 25,7 фоизини, шу жумладан ўрмон билан қопланган 3 201,6 минг гектарни ташкил этади.

Ўрмонлар асосан экологик (тупроқни муҳофаза қилиш, сувни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ва бошқа табиат ресурсларини сақлаш ва муҳофаза қилиш, санитария-тигиена, соғломлаштириш, рекреацион) вазифалар ва ижтимоий-иктисодий функцияларни бажаради.

Аҳоли кўпроқ зич яшайдиган ва йирик саноат объектлари яқинидаги ҳудудларда ўсадиган дараҳт ва буталарга энг кўп антропоген оғирлик тушмоқда.

Хужжатнинг қабул қилиниши халқаро тажриба ва тавсиялар алмашинувидан фойдаланган ҳолда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини сақлаш ва қайта тиклашда самарали натажаларга эришишга ёрдам бериши билан бирга, Ўзбекистонга Европа Иттифоқи мамлакатлари билан 6 200 турдаги маҳсулот бўйича бож тўламасдан эркин савдо алоқаларини ривожлантириш имкониятини беради ва макроиктисодий прогнозларга кўра, мамлакат экспортини 3 баробарга, яъни 1,3 миллиард долларгача ошириш имконини беради.

**Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир конвенция (Бонн конвенцияси).** 1979 йил 23 июнда Германиянинг Бонн шаҳрида қабул қилинган, 1983 йилда кучга кирди. 2020

йил сентябрь ҳолатига кўра 131 та давлат Конвенцияга аъзо<sup>137</sup>. Ўзбекистон Конвенцияга 1998 йил 1 майда қўшилган.

Конвенция қуруқлиқдаги ва денгиздаги кўчиб юрувчи ҳайвонлар ва қушларни уларнинг бутун ҳудуди бўйлаб сақлаб қолишга қаратилган. Конвенция давлатлари ушбу ҳайвонлар турларини ҳимоя қилиш, уларнинг яшаш жойларини сақлаш ва тиклаш, миграция тўсиқларини камайтириш ва ушбу турларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа омилларни назорат қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар.

**Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция.** 1992 йил 17 марта қабул қилинган, 1996 йил 6 октябрда кучга кирган<sup>138</sup>. 2020 йил август ҳолатига кўра 43 та давлат иштирокчиси ҳисобланади. Ўзбекистон томонидан 2007 йил 4 сентябрда имзоланган.

Ушбу Конвенциянинг мақсади трансчегаравий ер усти ва ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва бошқариш бўйича миллий саъй-ҳаракатлар ва чора-тадбирларни такомиллаштиришдан иборат. Халқаро миқёсда томонлар ҳамкорлик қилиш ва қўшма органлар тузишга мажбурдирлар. Конвенция мониторинг, тадқиқот, ишланмалар, маслаҳатлар, огоҳлантириш ва сигнализация тизимлари, ўзаро ёрдам ва фойдаланиш, маълумот алмасиши қоидаларини ўз ичига олади.

2003 йилда сув конвенциясига ўзгартиришлар киритилиб, БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси минтақасидан ташқаридағи мамлакатларга Конвенцияга қўшилиш ва шу тариқа унинг ҳуқуқий базаси ва тажрибасидан фойдаланиш имконини берди (ўзгартириш 2013 йилда кучга кирди)<sup>139</sup>.

---

<sup>137</sup> Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир конвенция (1979 йил 23 июн). <https://www.cms.int/en/legalinstrument/cms>.

<sup>138</sup> Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция (1992 йил 17 марта). <https://triatlon-nn.ru/ves/konvensiya-po-ohrane-i-ispolzovaniyu-transgranichnyh-vodotokov-i-mezhdunarodnyh-ozer.html>.

<sup>139</sup> Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция. [https://ru.wikibrief.org/wiki/Convention\\_on\\_the\\_Protection\\_and\\_Use\\_of\\_Transboundary\\_Watercourses\\_and\\_International\\_Lakes](https://ru.wikibrief.org/wiki/Convention_on_the_Protection_and_Use_of_Transboundary_Watercourses_and_International_Lakes).

Шуни таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонда ресурсларни тежайдиган кўшимча чора-тадбирлар кўрилмаган тақдирда мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бекарорликка олиб келувчи ва озиқ-овқат ҳамда экологик хавфсизликка таҳдид солувчи сув ресурслари тақчиллигига, қурғоқчиликлар ҳамда хатарли ҳодисалар кўпайишига дуч келиши мумкин<sup>140</sup>.

Умуман олганда, йилдан йилга Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларининг камайиши ва ифлосланиши билан боғлиқ муаммо жиддийлашиб бормоқда.

Марказий Осиёдаги бешта республика ўртасида сув тақсимлаш схемаларига мувофиқ Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича Ўзбекистоннинг лимити 100 фоизли лимитда йилига 63,02 км<sup>3</sup>ни ташкил этади.

Сув олиш лимитидан фойдаланиш таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ўрта ҳисобда 85 фоиз, 2008, 2011, 2018 йиллардаги каби сув камчил йилларда эса 70-75 фоизга яқин сув олади. Қишлоқ хўжалигига ўртacha йиллик сув сарфи юқорилигича қолмоқда.

Оролбўйидаги вазият Марказий Осиё минтақасининг энг кескин экологик муаммоларидан бири ҳисобланади.

Айни вақтда Ўзбекистонда мавсумий қурғоқчилик кучайиши тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса Орол денгизининг куриш жараёни минтақадаги иқлим шароитига салбий таъсир кўрсатаётганидан далолат беради. Орол фалокати ёз фаслида қурғоқчилик ва жазира машиналари кучайтириб ҳамда совуқ ва қаҳратон қиши фаслини узайтириб, иқлимининг континенталлигини чукурлаштиргди.

Бугунги кунда Орол сув ҳавзасининг қолдиқ сув баланси Амударё ва Сирдарё сувларининг оқиб келиши чекланганлиги, айрим йилларда эса йўқлиги оқибатида номутаносиб ҳолатга келиб қолган бўлиб, натижада

---

<sup>140</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2019 йилдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5863-сон Фармони, <https://lex.uz/search/nat?actnum=5863>.

денгиз сатҳи пасайиши, унинг юза қисми майдони қисқариши ва унда эриган элементлар концентрацияси ошиб бориши давом этмоқда.

Оролнинг қуриб қолган тубидан кучли шамоллар заҳарли моддалар билан тўйинган тузлар ва чанг-тўзонни ҳавога қўтариши аҳоли соғлигига жиддий хавф солмоқда, сурункали қон касалликларини, нафас олиш йўллари, буйрак, ошқозон-ичак тракти, юрак-томир тизими, шунингдек, ўт пухакда тош пайдо бўлиши, онкология ва бошқа касалликларни келтириб чиқармоқда.

“Ўзгидромет” маълумотларига кўра, республиканинг сув оқими асосан II ва III тоифаларга мансуб тоза ва ўртacha ифлосланган сувлар тоифасига киради.

Ифлослантирувчи моддаларнинг сув объектларига ташланиши ортиб бораётганлиги очиқ сув оқимларининг ифлосланишига сабаб бўлмоқда ва бунинг оқибатида сув флора ва фаунасиغا ўнглаб бўлмас зарар етказилмоқда, шунингдек, аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли ҳам, мамлакатимиз учун ушбу конвенция доирасида ер усти ва ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва бошқариш бўйича тажриба алмашинуви муҳим ҳисобланади.

**Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция.** 1973 йил 3 мартда қабул қилинган, 1975 йил 1 июлда кучга кирган<sup>141</sup>. 2006 йил август ойи ҳолатига 169 та давлат келишув иштирокчилари ҳисобланади. Ўзбекистон 1997 йил 25 апрелда қўшилган.

Вашингтонда Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (IUCN) резолюцияси натижасида имзолangan халқаро ҳукумат шартномасидир.

Конвенциянинг мақсади ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларнинг халқаро савдоси уларнинг яшашига таҳдид солмаслигини таъминлашдан

---

<sup>141</sup> Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги конвенция (1973 йил 3 март). [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/cites.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/cites.shtml).

иборат. Битим 33 мингдан ортиқ ҳайвон ва ўсимликлар турларини турли даражада ҳимоя қилишни назарда тутади.

Бундан ташқари, 2021 йил 20 октябрь куни Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларидан биринчи бўлиб **Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқига** (International Union for Conservation of Nature and Natural Resources, IUCN) аъзо бўлди<sup>142</sup>.

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи 1948 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан ташкил этилган. Айни пайтда иттифоқ таркибига 120 та давлат ташкилоти ва 92 та давлат киради. Иттифоқда иштирок этиш Ўзбекистонга Глобал экологик фонд ва Яшил иқлим жамғармасининг экологик лойиҳалари учун грант маблағларини жалб қилиш, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги стратегик ҳужжатларни ишлаб чиқища IUCN халқаро стандартларини кўллаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида экологик тартибга солишнинг миллий-хуқуқий қонунчилигига келсак, у қуйидагиларда ифодаланади: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси<sup>143</sup>, қонунлари (09.12.1992 йилдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” 754-ХII-сон<sup>144</sup>, 06.05.1993 йилдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” 837-ХII-сон<sup>145</sup>, 07.04.2020 йилдаги “Метрология тўғрисида” ЎРҚ-614-сон<sup>146</sup>, 27.12.1996 йилдаги “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” 353-I-сон<sup>147</sup>, 21.09.2016 йилдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ЎРҚ-409-сон<sup>148</sup>, 25.05.2000 йилдаги “Экологик экспертиза тўғрисида”

<sup>142</sup> Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқига Марказий Осиёдан биринчи давлат аъзо бўлди. Экология. Юнеско. (2021 йил 31 октябрь). <https://news.rambler.ru/ecology/47491154-v-mezhdunarodnyy-soyuz-ohrany-prirody-vstupila-pervaya-strana-iz-tsentralnoy-azii>.

<sup>143</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, <https://lex.uz/docs/20596>.

<sup>144</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ти Қонуни, <https://lex.uz/docs/107115>.

<sup>145</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ти Қонуни, <https://lex.uz/docs/12328>.

<sup>146</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш хақида” Қонуни, <https://lex.uz/docs/4782808>.

<sup>147</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ти Қонуни, <https://lex.uz/docs/55561>.

<sup>148</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ти Қонуни, <https://lex.uz/docs/3030362>.

73-II-сон<sup>149</sup>, 31.08.2000 йилдаги “Радиациявий хавфсизлик түғрисида” 120-II-сон<sup>150</sup>, 05.04.2002 йилдаги “Чиқиндилар түғрисида” 362-II-сон<sup>151</sup>, 27.12.2013 йилдаги “Экологик назорат түғрисида” ЎРҚ-363-сон<sup>152</sup>, 03.12.2004 йилдаги “Мухофаза этиладиган табиий худудлар түғрисида” 710-II-сон<sup>153</sup>, 19.09.2016 йилдаги “Ҳайвонот дунёсини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш түғрисида” ЎРҚ-408-сон<sup>154</sup>, 01.07.1998 йилдаги “Ер кодекси”<sup>155</sup>), шунингдек бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлари (масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2017 йилдаги “Экология ва атроф-мухитни мухофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш түғрисида” ПФ-5024-сон Фармони<sup>156</sup>, 18.05.2018 йилдаги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-3730-сон Қарори<sup>157</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2018 йилдаги “Табиатни мухофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида” 820-сон Қарори<sup>158</sup>, 26.11.2018 йилдаги “Экология ва атроф-мухитни мухофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 958-сон Қарори<sup>159</sup>).

---

<sup>149</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза түғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/32955>.

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Радиациявий хавфсизлик түғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/26166>.

<sup>151</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар түғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/42423>.

<sup>152</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат түғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/2304953>.

<sup>153</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Мухофаза этиладиган табиий худудлар түғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/415135>.

<sup>154</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш түғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/3029502>.

<sup>155</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси”, <https://lex.uz/docs/152653>.

<sup>156</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2017 йилдаги “Экология ва атроф-мухитни мухофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш түғрисида” ПФ-5024-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/3174498>.

<sup>157</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2018 йилдаги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида” ПҚ-3730-сон Қарори, <https://lex.uz/ru/docs/3741863>.

<sup>158</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2018 йилдаги “Табиатни мухофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида” 820-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/3971356>.

<sup>159</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.11.2018 йилдаги “Экология ва атроф-мухитни мухофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 958-сон Қарори, <https://lex.uz/ru/docs/4079782>.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда давлатимиз томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон Фармони билан “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси” тасдиқланди. Концепцияга мувоғик, атроф табиий муҳит ҳолатининг сифатини яхшилаш мақсадида 2030 йилга қадар бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, ушбу тадбирлар қўйидаги соҳаларни қамраб олган:

глобал экологик муаммоларни ҳал этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва республиканинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариш;

чегарадош давлатлар билан қўйидаги соҳаларда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминлаш;

ерларнинг чўлланиш ва деградация даражасини камайтириш, ер майдонларининг сифати ва унумдорлигини қайта тиклаш;

сув ресурсларини куриб битиш ва ифлосланишдан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш;

биологик ресурсларни сақлаш ва кўпайтириш, шунингдек, ўрмон фонди сифати ва ҳажмларини ошириш;

саноат чиқиндиларининг ҳосил бўлиш ҳажмларини камайтириш ҳамда мавжуд ҳажмларини қисқартириш, шу жумладан хавфли чиқиндиларнинг аҳоли саломатлигига ва атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш;

иқтисодиётни экологиялаштириш;

табиатдан фойдаланишининг иқтисодий механизмларини қўллаш;

давлат экологик назорати функцияларини амалга ошириш;

давлат экологик экспертизаси ва экологик сертификатлаштиришни амалга ошириш;

атроф табиий мухитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш;

атроф-мухитни муҳофаза қилишни илмий жиҳатдан таъминлаш;

атроф-мухитни муҳофаза қилиш масалаларида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, шунингдек, экологик таълимнинг узлуксиз тизимини яратиш.

Концепция муваффақиятли амалга оширилган тақдирда 2030 йилга келиб Орол денгизининг қуриган тубининг Ўзбекистондаги қисмида ўрмонзорлар майдонини унинг жами ҳудудига нисбатан 60 фоизгача етказиш, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини 10 фоизга камайтириш; ўрмонзорлар билан қопланган ўрмон фонди ҳудудини 4,5 млн. гектаргача кенгайтириш, алоҳида хусусиятга эга чиқиндилар (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатиб бўлинган мойлар, қадоқлар чиқиндилари ва бошқалар)ни қайта ишлаш ҳажмини 30 фоизгача қўпайтириш каби муҳим йўналишлар бўйича натижаларга эришиш кутилмоқда.

Концепцияда юқорида санаб ўтилган муҳим вазифлар бегиланганлиги ҳам соғлом атроф-мухитни таъминлаш борасида янги босқичга ишончли қадам қўйилаётганлигидан далолатdir.

Концепцияни ижросини таъминлаш мақсадида бутун мамлакат миқёсида дараҳтзорларни қўпайтиришга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дараҳтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-46-сон Фармони муҳим қадам ҳисобланади. Лойиҳадан белгиланган вазифалар қуйидаги мақсадларга эришишга қаратилган:

дараҳтларни экиш ва парвариш қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш;

илмий ёндашувлар асосида худудларнинг тупроқ-иқлим ва бошқа хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқот ва таҳлилларни амалга ошириш ҳамда бунинг натижасида худудлар кесимида республика харитасини ишлаб чиқиш;

кўчатхоналар сонини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда, худудлар иқлимига мос хорижий манзарали дaraohtlарни маҳаллийлаштириш;

худудларда “яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”ни барпо этиш;

даerahtlарни суғориш тизимини қайта кўриб чиқиш, унинг самарали фаолиятини таъминлаш;

ҳар бир дaraohtnи парвариш қилиш учун масъул бўлган шахсларни белгилаш, бу борада рағбатлантириш механизmlарини кенг жорий этиш;

даerahtlарни шикастлантириш ва нобуд қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини янада ошириш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 80-мақсади экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ҳамда 81-мақсади ўрмонлар майдонини кенгайтиришга қаратилган.

Ушбу мақсадларга эришиш учун давлат ўз олдига:

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йил камида 200 миллион туп дaraoht экиш. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ташаббусларига мос тарзда республиқанинг 10 та худудида аэробиологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш;

майший чиқиндиларни йиғишини 100 фоизга, уларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар 21 фоиздан 50 фоизга етказиш;

республика бўйича 51 та ер усти табиий сув объектлари (дарёлар, кичик дарёлар ва табиий кўллар)нинг санитария-муҳофаза зоналари ва соҳил бўйи минтақаларини белгилаш ишларини якунлаш;

Тошкент шаҳрини аҳолига қулай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ҳудудга айлантириш, қўкаламзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиш;

Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни барпо этиб, 2026 йил якунига қадар уларнинг умумий ҳажмини 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказиш;

Оролбўйида халқаро “Яшил иқлим” ва Глобал экологик жамғармаларнинг биохилма-хиллик, иқлим ўзгариши ва тупроқ емирилишининг олдини олишга қаратилган дастурлари асосида 300 миллион АҚШ доллари қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш”;

шаҳар ва туман марказларида ҳар 50-100 минг аҳоли учун “жамоат парклари”ни ташкил этиш;

Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куvvatлашни янада кучайтириш;

81-мақсад: Ўрмонлар майдонини кенгайтириш;

республика ҳудудларида ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш;

ўрмон фондининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари плантацияларини барпо қилиш;

чўл ҳудудларида ўсимликларни кўпайтириш, ҳудудларда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш;

сугориладиган ерларни эрозиядан ва мелиорация объектларини қум қўчишидан саклаш учун ихота дарахтзорларини барпо этиш;

давлат ўрмон фонди ерларида ўрмонлардан фойдаланиш, ўрмон фондини кенгайтиришни тартибга солиш;

ўрмонларни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш ишларини амалга ошириш вазифаси қўйилган.

Ууман олганда, амалдаги қонунчиликнинг бундай мажмуаси фуқароларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳукуқларини самарали амалга ошириш учун етарли бўлиши керак.

Аммо шуни ҳам эътиборга олиш керакки, агар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат кафолатларини назарда тутувчи ўзгаришилар қабул қилинса, давлат органлари, ташкилотлари ва Ўзбекистон фуқароларининг экологик муаммоларга эътибори кучаяди, бу ушбу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солишга ижобий таъсир қиласи.

Фикримча, соғлом атроф-муҳитни таъминлаш бўйича давлатларнинг умумий ижобий мажбуриятларини тан олиш ва мустаҳкамлаш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солишнинг яхшиланишига олиб келади, Ўзбекистон қонунчилигидаги бўшлиқларга эътиборни қаратади, суд амалиётини фаоллаштиради ва ууман ҳар йили ҳукумат вакиллари томонидан давлат ва бутун дунё ривожланишининг устувор йўналишлари қаторида қайд этилиб келинаётган экологик муаммоларга эътиборини оширади.

## ХУЛОСА

“Соғлом атроф-муҳитга бўлган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари” мавзусида ўтказилган тадқиқот натижасида қўйидаги назарий ва амалий хулосалар ишлаб чиқилди:

### **Илмий-назарий хулосалар:**

Халқаро ҳуқуқий ва миллий ҳуқуқий нормаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, фуқароларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи ва давлатларнинг ушбу муҳитни вайрон бўлишдан ҳимоя қилиш мажбуриятлари кенг, лекин айни пайтда декларативдир. Бу эса, бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизми ва бутун дунё бўйлаб экологик муаммоларга қарши курашиш учун етарлича самарали воситаси эмас.

Узоқ вақт давомида экологлар атроф-муҳит ҳақида унинг одамларга фойдалари ҳақида ўйлашга кўп вақт сарфланаётганидан ва атроф-муҳитнинг ўзига хос афзалликлари борлигидан, биз инсон манфаатларига бўйсунмаслигимиздан хавотирда эдилар.

Ўтган йиллар давомида “соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ”нинг мавжудлиги соғлом ва яхши ҳаёт кечириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, авлодлар ўртасидаги тенгликка ва барқарор ривожланишга хизмат қилди.

Аммо биз инсонлар соғлом муҳитга қанчалик боғлиқ эканимизни қанчалик кўп тушунсак, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда инсонга асосланган ёндашув ва экоцентрик ёндашув ўртасидаги фарқ шунчалик камаяди. Агар атроф-муҳит бу ерда яшовчи ҳамма учун соғлом бўлмаса, биз соғлом муҳитга эга бўла олмаймиз.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни мустақил ҳуқуқ сифатида халқаро ҳуқуқий даражада мустаҳкамлаш халқаро ҳамжамиятнинг салбий экологик ўзгаришларга эътиборини оширади, шунингдек келажакда табиатни мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиш имконини беради.

Тадқиқотдан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқнинг ривожланишида ижобий томонлари бор, аммо ҳуқуқ қўп давлатларда конституциялар матнига киритилган бўлса ҳам, у заифлигича қолмоқда ва экологик суд жараёнларининг имкониятлари ва натижалари жуда муваффақиятсиз.

Жаҳон конституцияларида ушбу турдаги қонунларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатлар шунга қарамай аҳамиятлидир. Агар биз инсон ҳуқуқларини қадрлайдиган бўлсак, улар конституцияларга киритилиши керак, чунки бу бизнинг энг олий ва энг кучли қонунимиздир.

Агар бутун дунёга назар ташласак, Африка, Лотин Америкаси ва Шарқий Европадаги деярли ҳар бир конституция соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олганини кўрамиз.

Ривожланиш ва тараққиёт жараёнига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш истагини исботлаш учун тобора кўпроқ мамлакатлар конституцияларида ҳуқуқий тан олиниши вақти келди. Халқаро ташкилотлар ва халқаро қонунларнинг институционал таъсири давлатларга нисбатан жуда заиф, чунки конституция ва миллий ҳукуматлар даражасида кўпроқ натижага эришиш мумкин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги Ўзбекистон қонунчилиги бўйича давлатимиз томонидан экологик муаммоларга қарши курашдаги фаол позициясини таъкидлаш лозим. Бу мамлакатнинг кўплаб халқаро шартномалар ва битимларда иштирок этиши, шунингдек миллий даражада муҳим норматив-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги билан тасдиқланади.

Бироқ, фуқароларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини конституция даражасида мустаҳкамланмагунга қадар уни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарасиздир.

Хулоса қилиб айтганда, давлатлар табиат ҳолати ва одамларнинг ҳаёт сифати ўртасидаги узвий боғлиқлик, шунингдек келажак авлодлар учун хавфсиз, тоза, соғлом ва барқарор атроф-муҳитни сақлаш зарурлигини

англаң етишларига қарамай, жаҳон ҳамжамияти олдида барқарор ривожланиш доирасида кўплаб фаол ишлар турибди, бунинг негизида нафақат давлатлар ҳамкорлиги, балки миллий даражадаги давлат бошқаруви органлари барча бўғинларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳам ётади.

### **Ташкилий-хуқуқий масалаларга оид хулоса ва таклифлар:**

Глобал экологик муаммоларни ҳал этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва республиканинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши соҳасида Ўзбекистон Республикасининг Монреал протоколининг Кигайли тузатишига, Орхус конвенцияси, Ҳавони узоқ масофаларгача трансчегаравий ифлосланиши тўғрисидаги конвенция ва унинг асосий протоколларига, Саноат аварияларининг трансчегаравий таъсири тўғрисидаги конвенция, Халқаро савдода айрим хавфли кимёвий моддалар ва пестицидларга нисбатан олдиндан асосланган келишув тартибтаомили тўғрисидаги Роттердам конвенцияси, Атроф муҳитга таъсирни трансчегаравий нуқтаи назардан баҳолаш тўғрисидаги конвенция ва Стратегик экологик баҳолаш ҳақидаги протокол, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича конвенцияга Сув ва саломатлик муаммолари бўйича протокол ҳамда бошқа халқаро битимларга қўшилиши мақсадга мувофиқлигини ўрганиш; халқаро молия ташкилотлари, донор мамлакатлар билан узоқ муддатли самарали стратегик ҳамкорликни таъминлаш, инвестиция лойиҳалари ва халқаро техник ёрдам лойиҳаларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Чегарадош давлатлар билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминлашда трансчегаравий экологик муаммолар реестрини ва уларни мониторинг қилиш тизимларини шакллантириш, трансчегаравий обьектларнинг атроф-муҳитга таъсирини биргаликда баҳолаш, барвақт огоҳлантириш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Ерларнинг чўлланиш ва деградация даражасини камайтириш, ер майдонларининг сифати ва унумдорлигини қайта тиклаш соҳасида Орол денгизининг Ўзбекистон томонидаги қуриган тубида дов-дараҳтлар экилган майдонларни кўпайтириш, сув ресурсларини қуриб битиш ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш учун эса қишлоқ хўжалиги ва коммунал соҳада сув ресурслари йўқотишларни камайтириш бўйича чоратадбирларни жадаллаштириш зарур.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасида электр энергия ишлаб чиқарадиган қувватларнинг умумий таркибида қайта тикланадиган муқобил манбалар улушини кўпайтириш, темир йўл тармоғини янада ривожлантириш ҳамда йўловчи ва юкларни автотранспортда ташишдан темир йўллар орқали ташишга ўтишда кўмаклашиш таклиф этилади.

Турғун органик ифлослантирувчи моддалар тўғрисидаги Стокгольм конвенцияси талабларини бажариш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиб, амалга оширишни таъминлаш, истеъмол хусусиятларини йўқотган ва таркибида хавфли моддалар мавжуд бўлган товарлар (симобли лампа ва приборлар, батарейкалар, аккумулятор ва бошқалар)ни йиғиш, фойдаланиш ва зарарсизлантириш тизимини ташкил этиш орқали саноат чиқиндиларининг ҳосил бўлиш ҳажмларини камайтириш ҳамда мавжуд ҳажмларини қисқартириш, шу жумладан хавфли чиқиндиларнинг аҳоли саломатлигига ва атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олишда самарали натижага эришилади.

Иқтисодиётни экологиялаштириш соҳасида экологик жиҳатларнинг давлат сиёсатига, шу жумладан режалар, дастурлар ва бошқа стратегик ҳужжатларни стратегик экологик баҳолаш механизмини жорий этиш, шунингдек, алоҳида лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш орқали интеграциялашувини таъминлаш, атроф-муҳитнинг сифатини белгиловчи устувор йўналишлар бўйича халқаро стандартларга ўтишни таъминлаш чораларини кўриш лозим.

Шунингдек, ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик учун тўлов миқдорларининг улар ҳажмига ҳамда атроф-мухит ва аҳоли саломатлиги учун хатарлилигига боғлиқлигини таъминлаш, хўжалик фаолиятидан атроф-мухитга етказиладиган зарарни ҳисоблашнинг самарали методикаларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш орқали табиатдан фойдаланишнинг самарали иқтисодий механизмларига эришилади.

Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органларининг функция ҳамда вазифаларини аниқ чегаралаш, шунингдек уларнинг ҳаракатлари мувофиқлаштирилишини таъминлашга қаратилган бўлар эди.

Албатта, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳолининг кенг иштирокисиз атроф-мухитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиб бўлмайди. Бунда аҳолининг экологик билим даражаси алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли, экологик жиҳатдан потенциал хавфли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича жамоатчилик эшитишларини ўтказиш, шунингдек атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гурӯҳлар таркибига фуқаролик жамияти институтларини киритиш амалиёти йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Норматив-хуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “IX боб. Иқтисодий ва ижтимоий хуқуқлар” номини қўйидагicha ўзгартириш:

“Иқтисодий, ижтимоий ва экологик хуқуқлар”.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қўйидаги 42<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“42<sup>1</sup>-модда. Ҳар ким соғлом ва қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳамда ўз соғлиғига ёки мол-мулкига экологик ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган заарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга”.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қўйидаги 42<sup>2</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“42<sup>2</sup>-модда. Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва ҳимоя қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Давлат экологик муҳит хавф солиб турсан ҳудудларда экологик тизимини ҳимоя қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш бўйича зарур чоралар кўради”.

4. Ўзбекистон Республикасининг 09.12.1992 йилдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” 754-ХП-сон Қонунини қўйидаги 1<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш:

“1<sup>1</sup>-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

атроф-муҳит – табиий муҳит таркибий қисмлари, табиий ва табиий-антропоген объектлар, шунингдек антропоген объектлар мажмуи;

атроф табиий муҳит (кейинги ўринларда - табиат) – табиий муҳит таркибий қисмлари, табиий ва табиий-антропоген объектлар мажмуи;

табиий объект – табиий экологик тизим, табиий ландшафт ва уларнинг табиий хусусиятларини сақлаб қолган таркибий элементлари;

экология тизимлари – табиий муҳитнинг объектив равишда мавжуд бўлган, фазовий ва ҳудудий чегараларига эга бўлган ҳамда тирик (ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқа организмлар) ва унинг жонсиз элементлари ягона функционал яхлитлик сифатида ўзаро таъсир қиласиган ва моддалар ва энергия алмашинуви билан ўзаро боғланган объектив қисми;

табиий ресурслар – энергия манбалари, ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва истеъмол товарлари сифатида хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга

оширишда фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши мумкин бўлган ҳамда истеъмол қийматига эга бўлган табиий муҳитнинг таркибий қисмлари, табиий объектлари ва табиий-антропоген объектлари;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва нотижорат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг табиий муҳитни сақлаш ва тиклашга, табиий ресурслардан фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариш, хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олишга ва унинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган фаолияти;

атроф табиий муҳит сифати – физикавий, кимёвий, биологик ва бошқа кўрсаткичлар ва (ёки) уларнинг комбинацияси билан тавсифланган атроф-муҳит ҳолати;

кулай атроф-муҳит – сифати табиий экологик тизимлар, табиий ва табиий-антропоген объектларнинг барқарор ишлашини таъминлайдиган муҳит;

табиий ресурслардан фойдаланиш – табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни хўжалик айланмасига жалб қилиш, шу жумладан хўжалик ва бошқа фаолият жараёнида уларга таъсир қилишнинг барча турлари;

атроф муҳитнинг ифлосланиши – хоссалари, жойлашуви ёки миқдори атроф-муҳитга салбий таъсир қўрсатадиган модда ва (ёки) энергиянинг атроф-муҳитга кириши;

ифлослантирувчи моддалар – кимёвий моддалар, шу жумладан радиоактив, бошқа моддалар ва микроорганизмлар учун белгиланган меъёрлардан ортиқ миқдорда ва (ёки) концентрацияларда атроф-муҳитга, инсон ҳаётига, соғлиғига салбий таъсир қўрсатадиган модда ёки моддалар ва микроорганизмлар аралашмаси;

атроф-муҳит сифати стандартлари – атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш учун физикавий, кимёвий, биологик ва бошқа кўрсаткичларга мувофиқ белгиланадиган ва уларга мувофиқ қулай муҳит таъминланган стандартлар;

атроф-муҳит мониторинги – атроф-муҳит ҳолатини, шу жумладан табиий муҳитнинг таркибий қисмларини, табиий экологик тизимларни, уларда содир бўлаётган жараёнлар ва ҳодисаларни комплекс кузатиш, атроф-муҳит ҳолатининг ўзгаришини баҳолаш ва прогнозлаш;

экологик назорат – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун хужжатлари бузилишининг олдини олишга, аниқлашга ва уларга чек қўйишга, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг талабларга, шу жумладан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар ва қоидаларга, нормалар ва қоидаларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими;

экологик талаблар – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар билан белгиланган хўжалик ва бошқа фаолиятга қўйиладиган мажбурий шартлар, чекловлар ёки уларнинг комбинацияси;

атроф-муҳитга зарар етказиш – ифлосланиши оқибатида атроф-муҳитнинг салбий ўзгариши, табиий экологик тизимларнинг деградацияси ва табиий ресурсларнинг тугаши;

экологик хавфсизлик – табиий муҳит ва инсоннинг ҳаётий манфаатларини хўжалик ва бошқа фаолиятнинг юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсиридан, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан, уларнинг оқибатларидан муҳофаза қилиш ҳолати”.

5. Ўзбекистон Республикасининг 09.12.1992 йилдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” 754-ХII-сон Қонунини қўйидаги 6<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш:

“6<sup>1</sup>-модда. Атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотлар (экологик маълумотлар)

Атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотлар (экологик маълумотлар) – эга бўлишни чеклаб бўлмайдиган оммавий ахборотдир, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат сири сифатида таснифланган маълумотлар бундан мустасно.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларига тегишли бўлган атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги қуидаги маълумотлар ушбу органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда тақдим этилади:

- 1) атроф-муҳитнинг ҳолати ва ифлосланиши, шу жумладан атмосфера ҳавоси, ер усти сувлари, сув ҳавзалари, тупроқларнинг ҳолати ва ифлосланиши тўғрисида;
- 2) радиациявий ҳолат тўғрисида;
- 3) ифлослантирувчи моддалар чиқиндилари, чиқиндилари даражаси ва (ёки) ҳажми тўғрисида;
- 4) саноат ва қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш тўғрисида;
- 5) атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида”.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

(Норматив-хуқуқий ҳужжатлар, методологик аҳамиятга эга нашрлар,  
илмий мақола, илмий адабиётлар)

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/107115>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/12328>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида” Қонуни, <https://lex.uz/docs/4782808>.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/55561>.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/3030362>.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/32955>.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Радиациявий ҳавфизилик тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/26166>.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/42423>.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/2304953>.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/415135>.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/3029502>.
13. “Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси”, <https://lex.uz/docs/152653>.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2019 йилдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5863-сон Фармони, <https://lex.uz/search/nat?actnum=5863>.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2017 йилдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-5024-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/3174498>.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2018 йилдаги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3730-сон Қарори, <https://lex.uz/ru/docs/3741863>.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2018 йилдаги “Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 820-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/3971356>.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.11.2018 йилдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 958-сон Қарори, <https://lex.uz/ru/docs/4079782>.

19. Ўзбекистон томонидан имзоланган экология ва атроф-муҳит бўйича халқаро шартномалар: рўйхат ва ҳаволалар, 2020 йил 18 август, [https://by.odb-office.eu/razvicio-patencyjalu-arhanizacyj\\_innovative-uzbekistan/mezhdunarodnye-soglasheniya-po-ekologii-i-okruzhayushchey-srede-podpisannye-uzbekistanom-spisok-i](https://by.odb-office.eu/razvicio-patencyjalu-arhanizacyj_innovative-uzbekistan/mezhdunarodnye-soglasheniya-po-ekologii-i-okruzhayushchey-srede-podpisannye-uzbekistanom-spisok-i).

20. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқига Марказий Осиёдан биринчи давлат аъзо бўлди. Экология. Юнеско. (2021 йил 31 октябрь). <https://news.rambler.ru/ecology/47491154-v-mezhdunarodnyy-soyuz-ohrany-prirody-vstupila-pervaya-strana-iz-tsentralnoy-azii>.

21. Девид Р. Бойд (David R. Boyd), Британия Колумбия университетининг ҳуқуқ, сиёсат ва барқарорлик кафедраси доценти. У 2018 йил августидан БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит бўйича маҳсус маъruzачиси. <https://www.the-possible.com/human-right-healthy-environment>.

22. Девид Р. Бойд (2019). Хавфсиз иқлим: Инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит бўйича маҳсус маъruzачининг маъruzаси. А/74/161. [Электрон ресурс] // БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит бўйича маҳсус маъruzачиси [веб-сайт]. - URL: <http://srenvironment.org/report/a-safe-climate-human-rights-and-climate-change>.

23. Д.Ворстер “Ернинг охири: замонавий атроф-муҳит тарихининг истиқболлари” (Нью-Йорк: Кембриж университети нашриёти, 1988)

24. Жон Нокс “Хавфсиз, тоза ва соғлом атроф-муҳитдан фойдаланиш билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари мажбуриятлари масаласи бўйича мустақил эксперт ҳисоботи” (Mapping Report, UN Doc No A/HRC/25/53); Филипп Сандс “Халқаро экологик ҳуқуқ тамойиллари” (Cambridge University Press, 2-нашр, 2003); Патрисия Бирни ва Алан Бойл “Халқаро ҳуқуқ ва атроф-муҳит” (Oxford University Press, 2-нашр, 2002); Шелтон “Инсон ҳуқуқлари, атроф-муҳит ҳуқуқлари ва атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ”; Ксентини Фатма “Инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит бўйича маҳсус маъruzачининг маъruzаси” (UN Doc E/CN.4/Sub.2/1994/9); Неил Попович “Халқаро инсон ҳуқуқлари ва давлат конституциялари билан экологик адолатни таъминлаш (Stanford Environmental Law Journal 338, 340); Инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит, Инсон Ҳуқуқлари Кенгashi 16/11, 16-сессия, Кун тартибининг 3-банди, UN Doc A/HRC/Res/16/11 (24 March 2011).

25. Девид Р. Бойд “Атроф-муҳит ҳуқуқлари инқилоби: Конституциялар, инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит бўйича глобал тадқиқот” (Vancouver: University of British Columbia Press) // URL: <https://www.ubcpress.ca/the-environmental-rights-revolution>.

26. Ж.Борроус “Маҳаллий халқлар конституцияси” (Toronto: University of Toronto Press, 2010) // URL: <https://utorontopress.com/9781442610385/canadas-indigenous-constitution>.
27. Р.Карсон “Сокин баҳор” (“Silent Spring”) китоби, (Boston: Houghton Mifflin, 1962), 15 бет. // URL: [https://library.uniteddiversity.coop/More\\_Books\\_and\\_Reports/Silent\\_Spring-Rachel\\_Carson-1962.pdf](https://library.uniteddiversity.coop/More_Books_and_Reports/Silent_Spring-Rachel_Carson-1962.pdf).
28. Стокгольм декларацияси (БМТнинг инсон атроф-муҳити бўйича конференцияси декларацияси), 1972 йил, UN Doc. A/Conf.48/14/Rev.1. // URL: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/NG9/001/72/PDF/NG900172.pdf?OpenElement>.
29. Инсон хуқуқлари кенгашининг 48 сессиядаги ҳисоботи (2021 йил 13 сентябрь-11 октябрь) A/76/53/Add.1 13 бет, <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G21/294/34/PDF/G2129434.pdf?OpenElement>.
30. Катарина Циммер “Соғлом атроф-муҳит инсон хуқуқи сифатида” (Knowable Magazine on April 21, 2021) // URL: <https://www.scientificamerican.com/article/a-healthy-environment-as-a-human-right>.
31. Намибия Ачесонга қарши (State v. Acheson 1991 2 SA 805). <https://media.namiblia.org/files/judgments/nasc/1998/2/1998-nasc-2.pdf>.
32. Португалия Республикаси Конституцияси, 02.04.1976 й. // Дунё давлатларининг (мамлакатларининг) конституциялари // URL: <https://worldconstitutions.ru/?p=141>.
33. Янн Агила “Соғлом атроф-муҳитга бўлган хуқук”. <https://www.iucn.org/news/world-commission-environmental-law/202110/right-a-healthy-environment>.
34. Д.Лоу ва М.Верстиг (D.Law and M.Versteeg) “АҚШ Конституцияси таъсирининг пасайиши”, (New York University Law Review 87 (2012). <https://deliverypdf.ssrn.com/delivery.php>.
35. Робин Черчилл “Инсон хуқуқлари бўйича мавжуд шартномалардаги экологик хуқуқлар” Алан Бойл ва Майкл Андерсон таҳририда, “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга инсон хуқуқлари ёндашувлари” (Clarendon, 1996) 89, 106.
36. Габчиково-Надъямарош лойиҳаси (Венгрия Словакияга қарши), 1997 йил, ICJ Rep 7, 91-92 (Вице-президент Верамантри).
37. Инсон ва халқлар хуқуқлари тўғрисидаги Африка Хартияси, 1981 йил, <https://normativ.kontur.ru/document?moduleId=1&documentId=12633>.
38. Инсон хуқуқлари бўйича Араб Хартияси, 2004 йил, <https://www.worldislamlaw.ru/?p=134>.
39. Инсон хуқуқлари бўйича Америка конвенцияси ёки Сан-Хосе пакти - инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий конвенцияга 1998 йилдаги Сан-Салвадор протоколи. <http://www.oas.org/juridico/english/treaties/a-52.html>.
40. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ахборотга кириш, жамоатчилик иштироки ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2018

йилдаги миңтақавий келишув.  
[https://repositorio.cepal.org/bitstream/handle/11362/43583/1/S1800428\\_en.pdf](https://repositorio.cepal.org/bitstream/handle/11362/43583/1/S1800428_en.pdf).

41. БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссиясининг 1998 йилдаги “Ахборотдан фойдаланиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва атроф-муҳит масалалари бўйича одил судловдан фойдаланиш тўғрисида”ги Конвенцияси.  
[https://unece.org/DAM/env/pp/Publications/2015/Aarhus\\_Convention\\_Implementation\\_Guide\\_R.pdf](https://unece.org/DAM/env/pp/Publications/2015/Aarhus_Convention_Implementation_Guide_R.pdf).

42. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Глобал пакт лойиҳаси (Сорбонна, Париж, 2017 йил 24 июнь).  
<https://globalpactenvironment.org/uploads/EN.pdf>.

43. А.П.Анисимов “Инсон ва фуқаронинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи” <http://lawdiss.narod.ru/oglav/0220.htm>.

44. А.М.Шафиков, М.С.Сагандиков “Соғлом атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқлар ва унинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар радиация таъсирига учраган фуқароларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомининг элементи сифатида”. <https://vestnik.susu.ru › law › article › download › 2072 › 2013>.

45. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 08 декабрь, (24-модда), <https://lex.uz/docs/20596#39029>.

46. М.М.Бринчук “Атроф-муҳит ҳуқуқи: дарслик”, 2010 й., 23 б.  
<https://refdb.ru/look/2113340-pall.html>.

